Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
27 сон
1-7 июл, 2004 йил

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

“Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонун, Аёллар йили муносабати билан Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Марказда ва жойларда хотин-қизлар қўмиталарига кўпинча асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланадиган давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди.

Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътибордан четда қолмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий ривожланиш, қуйидан бўладиган ташаббусни рағбатлантиришнинг муайян масалалари бўйича хотин-қизларнинг реал манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва таклифларини аниқлашнининг самарали воситаси ҳисобланган қурултой ва конференциялар каби хотин-қизлар билан иш олиб боришнинг демократик шакллари амалда ишга солинмаяпти.

Мазкур қўмиталар ходимларининг жамоатчилик ва жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида ҳисобот бериши амалда мавжуд эмас.

Хотин-қизлар қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Аёлларнинг муайян қисми, айниқса қишлоқ жойларда, хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шу боис турли, жумладан, бузғунчи кучларнинг таъсир объектига айланмоқда.

Хотин-қизларни маънавий аҳлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Айни вақтда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ушбу хотин-қизларни ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари томонидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга фаол жалб этиш, фуқароларнинг йиғинлари раҳбарлари таркибига киритиш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга кўмаклашган бўлур эди.

Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларидан фойдаланишга қаратилиши зарур. Давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ва бошқа ёрдамлар билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор.

Иш билан таъминлаш - хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар хатловдан ўтказилиши, уларнинг амалга оширилиши таъминланиши зарур. Оналик ва болаликни самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган замонавий усулларни, илғор иш шакллари ва институтларни (скрининг, патронаж ва бошқаларни) фаол ривожлантириш лозим.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкурасининг онгни заҳарлайдиган таъсиридан, гиёҳвандлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-аҳлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда “Чора-тадбирлар дастури” деб юритилади) тасдиқлансин.

**2.** Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек хотин-қизлар билан самарали иш олиб бориш вазифаларини бажариш мақсадида доимий ишлайдиган комиссия тузилсин.

Қуйидагилар комиссиянинг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг аҳволини мунтазам равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатидаги фаол иштирокига кўмаклашишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси (С.Т.Иномова), Ижтимоий комплекси (А.А.Азизхўжаев) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини ижросини ўргансин, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрласин.

**4.** Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари:

15 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмиталари раисларининг функционал вазифаларини янги талабларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларнинг хотин-қизлар, ёш аёллар билан самарали иш олиб боришни таъминлаш бўйича ваколатларини кенгайтиришни назарда тутсин;

15 августгача хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида қўйилган вазифалар асосида уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ишларининг аҳволини ҳар бир туман, шаҳар бўйича ўрганиб чиқсин ва танқидий баҳоласин;

1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратларини юқори касб маҳоратига, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда одамлар билан ишлай оладиган мутахассис кадрлар билан тўлдирсин;

фуқаролар йиғинларининг диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар лавозимларини энг обрў-эътиборли ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган ва аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдиришни таъминласин.

Мазкур ишларнинг туман ҳудудидаги ҳар бир алоҳида маҳалла бўйича бажарилиши учун жавобгарлик шахсан туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига юклансин. Доимий ишлайдиган комиссия (Ш.М.Мирзиёев) кўрсатиб ўтилган ишларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин. Мазкур ишларни жорий йилнинг 1 декабригача тугалласин.

**(Давоми 2-бетда)**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

**5.** Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси (С.Т.Иномова) “Маънавият ва маърифат” маркази (Қ.А.Аъзамов), Дин ишлари бўйича қўмита (Ш.Ш.Миноваров) хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва уларга таълим беришни кўчайтириш бўйича қўйидаги мақсадларга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин:

маҳаллалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги хотин-қизлар ўртасида уларни ахборот билан таъминлаш, замонавий ҳаёт тақозо этаётган мутахассисликларга ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш;

хотин-қизларга диний билимлар ва миллий-диний анъаналар асосларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларни диний бағрикенглик, барча бошқа диний конфессияларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, жамиятда дунёвий ва диний қарашлар қарама-қаршилигига йўл қўймаслик;

диний экстремизм ва ақидапарастликнинг мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш.

**6.** Бош прокуратура (Р.Х.Қодиров) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширишни таъминласин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А.Полвонзода), Бош прокуратура (Р.Х.Қодиров) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шоғуломов) билан биргаликда бир ой муддатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўпламини тайёрласин ва нашр этсин.

**8.** Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов), “Маҳалла” жамғармаси (А.Г.Гадойбоев), Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати (Б.К.Убайдуллаев), жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда 2004 йил 1 августгача бўлган муддатда маҳаллалар, қишлоқлар ва овулларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик кўринишлари ва бошқа ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш бўйича ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширишни таъминласин.

**9.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳ.Ҳазратқулов), “Ўзтелерадио” компанияси (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш.Шоғуломов) хотин-қизлар ташкилотларининг хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдаги ижобий иш тажрибасини, уларнинг фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги тобора ортиб бораётган ролини тарғиб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларнинг ҳаётини, кундалик меҳнати ва турмушини кенг ёритсин.

**10.** Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 июнь.

## ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИШ

***Ўзбекистон Олий суди судяси Мухтабар Ҳошимова билан мулоқот***

***- Мухтабар Раҳматовна, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш қонуний жиҳатдан қандай ҳал этилади?***

- Ақлли-хушли ота-она фарзанди тарбиясига масъуллигини, унинг олдидаги бурчини тўғри ҳис қилади. Ҳаётда ҳар хил ҳолатлар учрайди. Шуларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид махсус бўлим ажратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди (1998 йил) Пленумида “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унда, ота-она ўз фарзандини тарбиялаш ҳуқуқига эгалиги, фарзандининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий, ахлоқий камолоти учун жавобгарлиги белгиланган. Ота-она ўз мажбуриятларидан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра фарзандини туғруқхона ёки бошқа давлат муассасаларидан олишдан бош тортса, ўз боласига шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса, ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлса, болаларининг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд, эри (хотини)-нинг ҳаётига қарши қасддан жиноят содир қилса, ўқишига ва жамоатчилик топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилса, тиланчилик қилишга ундаса, спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга, жиноятга ўргатса, оғир жисмоний ишларни бажаришга мажбурласа, ҳамда фақат ота-она эмас балки оиланинг бошқа аъзолари болалар билан шафқатсиз муомалада бўлсалару ота-она тўсқинлик қилмаса Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бу ишлар ота-оналардан бирининг, прокурорнинг вояга етмаган болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган муассасалар, комиссиялар ва бошқаларнинг давоси билан кўрилади.

*Ҳуқуқий дарсхона*

**- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишилар ўз хатоларини тузатсалар, қайтадан ўз ҳуқуқларини тиклашлари мумкинми?**

- Албатта. Агар улар олдинги ёмон одатларидан воз кечиб, бирор жойда ишлаб пул топиб ўз фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашга, уйда фарзандлари учун соғлом муҳит яратишга қодир эканликларини амалда кўрсатсалар, бу ўзгаришларни қўни-қўшни, яқинлари, маҳалла фаоллари ёқлаб гувоҳлик берсаларгина ота-оналик ҳуқуқини яна қонун асосида қайта тиклашлари мумкин. Бунда 10 ёшдан ошган боланинг хоҳиш-истаги албатта инобатга олинади. Бу ёшдан боланинг ўзи ҳам ота-онаси билан яшаш ёки яшамаслигини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ота-онасидан ажратилган болаларни яқин қариндошлари тарбиясига бериш мумкин. Қариндошлари уларни ўз тарбиясига олмаса, бундай болалар меҳрибонлик уйларида тарбияланадилар.

**- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ўз фарзандларининг моддий таъминоти учун қандай ҳисса қўшишлари мумкин?**

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса-да, боланинг моддий таъминоти учун алимент ундирилади. Бу масала боланинг манфаати учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш масаласи суд томонидан кўрилаётган пайтнинг ўзидаёқ ҳал қилинади. Шунингдек, бу судда ота-оналарга ҳукумат томонидан болалар учун бериладиган барча тўловлар тўхтатилади.

**- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг мол-мулкига нисбатан боланинг муносабати қандай бўлади?**

- Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг мулки бола учун ҳам мулк ҳисобланади. Бола вояга етгач, ўз мулкини ота-онасидан ёки бошқалардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. У вояга етгандан сўнг ота-онасининг мулкига тўлақонли меросхўр бўлишга ҳақли.

**Лола АҲМЕДОВА**
**суҳбатлашди**

*Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан*

## БАХТ ЙЎЛИДА БЕДОР ЯШАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони шу кунларда хотин-қизлар қўмиталарида қизғин муҳокама этилмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман, Ғиёс Умаров номидаги маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Муфлиҳа Отабекова билан қилган суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.



**Сувратда: (Чапда) Муфлиҳа Отабекова-маҳалла фаоли Раъно Шокирова билан.**

- Яқинда “Боғбон” номли ҳинд кинофильмини томоша қилдим. Фильм қаҳрамони ўғил онасига: “Сизнинг даврингиз ўтди, энди уйда ўтиринг”, - дейди. Шунда она хотиржамлик билан: “Аёллар учун ҳеч қачон давр тугамайди, болам”, - дея жавоб беради. Ота кўпроқ кўчанинг одами бўлгани учун оилада онанинг таъсири катта. Афсуски, “оналик” лавозимидан тўғри фойдалана олмай ўзларини турли хил “тирикчи”лик ўчоқларига отиб, натижада аёллик шаъни, ор-номусини унутиб қўяётган баъзи бир аёлларни кўрсам ачиниб кетаман. Бунинг сабабини сўрасангиз осонгина қилиб “етишмовчиликка” тақашади Ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Уруш йиллари онам раҳматли фабрикада ишларди. Тонг саҳарда биз укаларим билан ухлаб ётганимизда ишга кетар, тунда яна ухлаб қолганимизда қайтарди. Биз деярли онамни жуда кам кўрардик. Ўзим қатори тенгдошларим оиласидаги аҳвол ҳам бундан мустасно эмас. Аммо одамларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари кучли эди.

Маҳалламиз ёнгинасида “Шаҳидлар хиёбони” бор. Бир пайтлар ташландиқ, кўрган одам даҳшатга тушадиган жой бўлган. Қатағон йилларида қурбонларни вагонга жойлаб ана шу чуқурга ағдариб кетишар, кун ора бир бечоранинг умр чироғи ўчарди. Ана шундай кунларда бувим раҳматли, “бугун ҳам яна бир зиёли инсоннинг умрига нуқта қўйилди”, - дея бошларини сарак-сарак қилиб афсусланиб қўярдилар. Хўш, бугун-чи, биз бугунги озодликнинг қадрига етяпмизми? Билагида кучи бор, ишламай давлатдан ёрдам кутиб ўтирган ёшлар билан суҳбатлашганда уларнинг беиз ўтаётган умрига ачиниб кетаман. Ҳукуматимиз ногирон, ёлғиз, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишилардан ўз ёрдамини аямаяпти. Шу юрт фарзандиман, деб ҳисоблаган ҳар бир ёш ўқисин, изланисин, меҳнат қилсин.

Ўтмишда оналаримиз оталаримиз билан имо-ишора орқали муомала қилишган. Улар бир-бирлари билан бақириб-чақиришмаган. Оналар фарзандлари олдида оталарини беҳурмат қилишмаган. Топиб келганлари рўзғорга етмаётганини етти маҳаллага жар солиб, нолиб юришмаган. Сабр-тоқат билан иш тутишган. Қадриятларимиз бузилиб кетишига йўл қўйишмаган. Бугун биз хотин-қизлар қўмиталарида фаолият юритаётган аёллар ҳам келажакда ўз ўрнимизни босадиган ёшларни тарбиялаб, момоларимизнинг ҳақиқий издошлари бўлиб қолайлик. Доноларимиз айтганидек, бахтли одамни эмас, бахтга элтгувчи йўлни излаб яшайлик.

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**



***Шаҳрисабзлик Йўлдош бобо Эшдавлатов рафиқаси Гулсин момо билан 60 йил аҳил-иноқликда баракали умр кўришди. 8 фарзанд, 32 невара, 11 чеварали бўлишди. Биз Йўлдош бобога, “Қўша-қариш саодатининг сири нимада?” - деб савол бердик. “Боиси - аёлга кўрсатиладиган меҳр-муҳаббатда, эътиборда”, - деб жавоб берди у кулиб.***

***Сувратчи: Исоқ САТТОРОВ***




# ЮРАГИМГА ЯҚИНЛАРИМ

**МЕНИНГ ОЙНИСА ЭНАМ...**

Кичик амакимнинг оиласи ва бизнинг оиламиз битта ҳовлида яшар эдик. Эрталабки нонуштага, тушликка ва кечки овқатга ҳамма энам ётган хонага йиғиларди. Энам оғир касал, ўрнидан туролмас эди. Амакимнинг бир талай болалари, укаларим чой, овқат келгунча уйни бошларига кўтариб бирпасда тўполонни бошлашар эди. Энам бемор ётган бўлишига қарамай, ҳаммамизни яхши кўрар, койимас, болакайларнинг тўполонидан жаҳллари чиқмас эди. Ёнларида ҳамиша узун таёқлари бўлиб, шу таёқни ерга бир урардилар-да "адаб" деб қўярдилар. Ҳамма қалдирғочдай бир қаторга тизилиб жим ўтирарди. Овқат маҳали мен ҳамиша энамнинг ёнларида ўтирардим. Онамлар овқат сузиб келса менинг косамни ковлаб кўрардилар-да "нега бунга кичкина гўшт солдиларинг", деб - ўзлариникини менинг косамга солардилар. Маҳаллада учта Ойниса кампир бор эди. Ойниса миррих, Ойниса палкин, Ойниса қора - менинг энам эди. Энам соғ пайтлари бир жойга бормоқчи бўлсалар кўк шоҳи товар кўйлак, устидан қора камзул кийиб, чўнтакларига ич оғриқ дори солишни унутмасдилар. Қатлама солинган дастурхонни кафтларига қўйиб, ҳамма дугоналаридан олдинда юрардилар. Уларнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Ҳамма уларни "генерал кампир" деб атарди.




**КИТОБСЕВАР ДАДАГИНАМ...**

Дадам ўқишга кираётган пайтлари ҳар куни китоб мутолаа қилардилар. Эрталаб ишга кетгунча ва ишдан келиб ҳам китоб ўқир, алланималарни ёзиб ўтирардилар. Маҳалламизга яқин жойда китоб дўкони бор эди. У ерга мен ҳам тез-тез бориб турардим. Қўлимга пул тушди дегунча ҳар хил шеър китобчалари, адабий китобларни сотиб олиб ўқирдим. Дадамга ҳам биронта китоб керак бўлиб қолса номини битта қоғозга ёзиб берардилар. "Мана буни Қоравой амакингга олиб бориб бер, ўзи топиб беради", - дер эдилар. Қоравой амаки керакли китобни олиб чиқиб берарди. Дадам Тошкентга ўқишга кетаётган пайтлари укаларим кичкина бўлганлиги сабабли ҳар доим чемоданларини вокзалга ўзим кўтаришиб олиб чиқиб қўярдим. Энди билсам, дадамнинг ўқиб катта одам бўлишларида ўзим билмаган ҳолда ҳисса қўшган эканман.

**БЕОЗОРГИНА ҚАЙНОНАМ**

Мен маҳалламиздаги қўшни ҳовлига келин бўлиб тушган эдим. Қайнонам - онам Тожихон опа уч бола билан ўз турмушидан жуда ёш қолган, кўп қийинчиликларни бошдан кечирган, меҳнатда тобланган, қўли қадоқ, захматкаш аёл эди. Бир куни бошдан кечирган оғир кунларини сўзлаб бердилар. "Қиз пайтларим уруш йилларига тўғри келарди. Қиз боламан демасдан вагонма-вагон буғдой таширдим. Гавдам, куч-қувватим бор эканми, қопларни даст кўтариб кетаверардим. Кейинчалик бир оз муддат арқон заводига ишга кирдим. Турмушга чиққанимдан кейин далага чиқиб кетмон чопдим. Нон ёпардиму, тўйиб еёлмасдим. Ҳаддим сиғиб битта нон ололмасдим. Турмуш ўртоғим ўқиган, тушунган одам эдилар. Ҳовлимиздан ўтадиган арикча дарвоза тагидан ўтиб кўчадаги арикқа туташган эди. Эрим битта кулчани дарвоза тагидаги арикчадан оқизиб юборар, мен нариги томондан олардимда рўмолчамга тугиб далага кетардим. Бу орада эрим оғир касал бўлиб қолди. Ўн икки йил тўшакдан турмади. Ювдим, тарадим, кўнглига қарадим. Эрталаб ишга кетаётиб кўнглига ёққан овқатни тайёрлаб кетаман. Бу ёқда уч ўғил бола, боғчага обораман, кечки пайт олиб келаман. Кечалари кир ювиб, дазмол қиламан. Турмуш ўртоғим раҳмлари келиб ётган жойларида "оқ ойим, эсон-омон шу касалдан туриб кетсам, сенга битта хизматкор олиб бераман", - дер эдилар. Афсуски, кичкина ўғлим 9 ойлик бўлганда улар вафот этдилар. Турмушнинг оғир юки ёлғиз ўзимга қолди. Худога шукр, болаларимни боқиб вояга етказдим, уйли, жойли қилдим. Савдода 40 йил халол меҳнат қилиб кам бўлмадим. Болам, мениям ҳаётимни ёзсанг битта китоб бўлар экан-да", - дедилар. Кейинчалик онамизнинг тез-тез тоблари қочиб, бетоб бўла бошладилар. Дўхтирлар ёзган дори-дармонларнинг ҳам фойдаси бўлмади. Биз келинлари ҳамиша уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилардик. "Қизим йўқ, демайман сизлар менинг қизларимсизлар", - дер эдилар кўзларига ёш олиб. Ҳаётларининг сўнгги кунларида: "Ишқилиб осон оғриқ, осон ўлим берсин-да", - дер эдилар. Айтганларидай бўлди. Икки кунгина ётдилар. Биз келинлари ёнларида ўтириб чиқдик. Ўзлари не аҳволдаю овсиним билан менга қараб: "Ухлаб олинглар, эртага одам кўп келади, чарчаб қоласизлар", - дер эдилар.

Эртасига тонгда кичкина ўғилларининг қўлида беозоргина жон бердилар.

***Сиз қалбимнинг ардоғисиз,***
***юрагимга яқинларим,***
***Сизни эслаб кечалари,***
***бедор ўтар ҳар тунларим.***
***Ўтирсам ҳам, турсам ҳам гоҳ***
***ёнгинамда юргандайсиз,***
***Гоҳ кўринмас ҳилқат бўлиб,***
***меҳр бериб тургандайсиз.***
***Суянчимсиз, юпанчимсиз,***
***жондан азиз жондошларим,***
***Сиз қалбимнинг ардоғисиз,***
***юрагимга яқинларим.***

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳри.**

# МЕҲРУ ҚАҲР МЕЪЁРИДА БЎЛСИН

Асрлардан буён сақланиб қолган маънавий қадриятлардан бири оиладаги одоб-аҳлоқдир. Шунинг учун биз, ота-оналар, тарбияга доимо ниҳоятда зўр эътибор беришимиз лозим. Қизимиз катта бўлган сайин, уни одобли, камтар, хушмуомала, покиза қилиб тарбиялаш - унинг келажагини белгилайди. Қиз бола ўқишини ҳам, уй юмушларини ҳам эплай олса, у келажакда яхши бир уй бекаси бўлиб етишади. Бундай қизлар рўзғордаги юмушларни қайнонасидан ўрганиб олиб, уни ҳам, эрининг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бунда қизнинг тарбияси, феъл-атвори муҳимдир. Чунки янги тушган оилада, ўзига хос тартиб-қоидалар мавжуд, уларга кўникиб, уй-рўзғорга ўрганиш ўзига яраша қийинчиликлар туғдиради. Шуларнинг барчасини эплай олган қизлар, ҳаётда бахтиёр бўлади. Ана шундай қизларни кўрсанг, дилинг қувонади. Бундай қизларнинг кийимлари-ю, юриш-туришлари, чиройли сўзлари-ю, катта-кичикларга бўлган муносабатлари ҳам ҳавас қилгудек гўзал бўлади. Пардозлари ҳам ўзига яраша. Ҳам замонавий, ҳам ўзбек урф-одатларига риоя қилади.

Хўш, ўғил бола-чи? Ўғил вояга етган сари, унинг масъулияти ошади. Уларнинг яхши ўқиб, бир яхши касб эгаси бўлиши осон иш эмас. Ота-онани ҳурмат қилувчи йигит, хотини, бола-чақасини ҳам ҳурмат қилади. Ўзини ҳурмат қиладиган йигит турмушнинг барча қийинчиликларини енгиб, астойдил меҳнат қилиб, бола-чақасини ҳам, ота-онасини ҳам боқади. Оилада, кўча-куйда, иш жойларида ҳам ўзига ҳурмат орттиради.




Оилада ота-онанинг ўрни, меҳри ҳамма нарсадан афзалдир. Ёшлигимда аям раҳматли менга: "Жоним-қизим" деб мурожаат қиларди. Оламдан кўз юмганларига кўп йиллар ўтса-да, ҳамон шу ширин сўзларини эслаб юраман. Дадам раҳматли биз болаларга "сиз"лаб гапирарди. Биз билан баъзан ҳовлида ўйнагани, эртаклар айтгани ёдимда. Каттароқ бўлганимизда, ҳаммамизни йиғиб дилдан суҳбатлашиб ўтирарди. Замонанинг зайли билан бизни рус мактабга ўқишга бергандилар. Лекин доимо ўзбекча ганлашинглар, одам она тилисини албатта яхши билиши керак, дерди. Оилада беш фарзанд, икки ўғил, учта қиз эдик. Биз қизларни ҳеч қачон койимасди. Бирор гап бўлиб қолса: "Қизингизга айтинг, ундай қилмасин", - деб секин аямга танбеҳ бериб қўярди. Ўғил укаларимизни ниҳоятда эркаларди. Лекин вақти келса яхшигина уришар ҳам эди. Бу ҳам энди тушунсам ўзига хос маданият, ота қизларни эркалаб, ўғилларига жиддийроқ муносабатда бўлиши керак экан. Яна бир нарсани эслайман. Ҳеч қачон биз қизлар ҳам дадамизнинг кўзига тик қараб гапирмаганмиз. Дадам кўпроқ ишда бўлгани учунми, уларни жуда-жуда соғинар, аямиз билан бирга ҳар куни кутардик. Ошни ҳам уларнинг келишига дамлаб қўярдик. Бу тарбияни мен ҳам болаларим, невараларим тарбиясига сингдираяпман.

Юртимизда яхши оилалар кўп. Ўзбекчилик, қўшничилик, маҳаллачилик - ҳар бир ўзбек оиласининг кўркидир. Лекин, афсуски, "тирик етим" бўлиб қолган болаларни кўрсанг, одамнинг дили эзилиб кетади. Бир болага ҳамма нарса етарли бўлса ҳам, ота-онанинг меҳри йўқлиги катта фожеадир. Қанчадан қанча ўғил-қизлар кўпроқ отанинг меҳрига зор.

Илоҳим, бизнинг диёримизда "тирик етим"лар бўлмасин! Бола борки ота-онасининг бағрида ўссин, улғайсин! Ҳеч қачон меҳрга зор бўлишмасин.

**Гулнора МАНСУРОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.**



# САФОЛИ ХОТИРАЛАР

**Газетхон-газета ва ҳаёт ҳақида**

Мен 2003-йилнинг декабридан 2004-йилнинг апрелига қадар Ўзбекистон Миллий Университетининг Тиллар Марказида малакамни ошириб, ўзбек тилини ўргандим. Ўзбекистон радиоси билан танишдим. "Ўзбекистон" канали "Ҳамроҳ" эшиттиришида фаол қатнашдим. Ўз касбининг усталари, истеъдодли журналистлар билан дўстлашдим. Хизмат юзасидан малака ошириш тугамасдан ватанимга қайтдим. Шу қисқа вақт ичида кўп нарсаларни ўрганганимдан хурсандман. Ўзим учун, уйғур халқи учун жуда катта қулайлик бўлган уйғур тилидаги ўзлашган ҳонжуча, русча сўзлар ўрнига алмаштириб қўллаш мумкин бўлган ўзбекча (туркий) сўзлар, мақол ва ибораларни билиб олдим, айниқса араб тилидаги дуоларнинг муқобилини ёдладим. Булар бизнинг соҳамиз учун ниҳоятда зарур экан.

Ўзбекистондаги энг машҳур нашрлардан бири "Оила ва жамият" газетасининг таърифини мен Хитойда эшитган эдим. Мендан олдин ЎзМУга малака оширишга келган ҳамкасбим Бахтиёр Турди газета билан ҳамкорлик қилгани ҳақида гапириб бериб, унда чоп этилган ўзининг "Уч тавба" номли мақоласини кўрсатган эди. Газета бизда катта таассурот қолдирди. Мен ҳам Ўзбекистонда бўлган давримда "Оила ва жамият" газетасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бордим. Юртимга қайтгач, Ўзбекистондан эсдалик сифатида газетанинг бир неча сонларини дўстларимга совға қилдим. Улар газетага жуда қизиқиб қолишди. "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари", "Қайда ўзи ўша бахт", "Ташрифларингиздан бири..." каби рукнлар остида чоп этилган ҳаётий мақолаларни радио орқали ҳам ўқиб бердик. Келажакда "Оила ва жамият" газетаси билан ижодий ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор.

Мен Ўзбекистонда жуда қисқа муддат бўлдим, лекин тил ўргатиш илми усталари ёрдамида унумли ишладим. Тиллар маркази директори Равшаной Исоқова, доцент Абдурозиқ Рафиев, Зуҳрахон Юнусова, Нодирахон Оловиддиновалардан дарс олар эканман, Миллий Университетда ўта сафоли устозлар фаолият кўрсатишидан кўп қувондим. Менга ҳар томонлама ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган Люба опа Максимовнани ҳеч қачон унутмайман. Айниқса, Зуҳра муаллима менга ўзбек тилини ўргатибгина қолмай, ўзбек халқи ҳаёти, миллий урф-одатлари, маънавий қадриятлари билан яқиндан таништирди. Зуҳрахоним тимсолида мен ўзбек халқига хос бўлган хушмуомалалик, хуштавозелик, ички маданият, ички назокатнинг гўзал намуналарини кўрдим, ҳавас қилдим. Ўз таассуротларим ҳақида, ЎзМУ ҳақида, "Оила ва жамият" газетаси ҳақида, Ўзбекистон ҳақида касбдошларимга, дўстларимга, радио тингловчиларга ҳикоя қилиб чарчамайман. Менинг нурли орзуларим рўёбга чиқиб, Самарқанд, Бухоро каби шариф шаҳарларда бўлиш насиб этди.

Бу қисқа фурсат менга ўзбеклар билан танишиш, уларнинг меҳмондўст ва оққўнгил, олижаноб инсонлар эканлигини кўриш, хис этиш имконини берди. Мен бу билан фахрланаман. Доим ифтихор этиб юраман.

Мамлакатларимиз орасидаги дўстлик янада юксалишини истайман. Сизларни қадимий ва ҳамиша навқирон Пекинга чин дилимдан таклиф қиламан.

**Гулбаҳор ҒОФУР,**
**Хитой Давлат радиоси уйғур эшиттиришлари бўлими бошлиғи.**

# ТЎРТ КУНЛИК КЕЛИН

**Таҳририятимизга одмигина кийинган бир жувон келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мунгли кўзларига савол назари билан қараганимни пайқаб мақсадга ўтди:**

- Ўзим, "деди-деди" гапни, ғийбатни ёмон кўраман. Менинг бошимга тушган ташвиш бошқаларга ўрнак бўлиши учун келдим. Оғзинг ошга етганда бурнинг қонаса алам қиларкан. 2 ўғил, 2 қизим бор. Қизларимни узатганман. Хўжайиним оддий ишчи. Ўзим 40 йилдан бери бир ташкилотда ишлайман. Фарзандларимизни ҳалол луқма билан боқиб вояга етказдик. Катта ўғлим ўтган йили институтни битириб ишга жойлашди. Кичигим техникага қизиққани учун ҳайдовчилик касбини танлади. Ўғилларим топган-тутганларини рўзғоримиз жамғармасига келтириб қўшишарди. Нима бўлдию, кенжамизнинг қадам босиши ўзгариб қолди. Пулини яширадиган, баъзида ишдан кеч келадиган одат чиқарди. Бундан отаси иккаламизнинг ҳаловатимиз бузилиб, бир куни ўғлимни ёнимга ўтқазиб:

- Болам, сенга нимадир бўлаяпти. Отангга барибир айтмайсан. Менга дардингни айт, болам. Нима гап ўзи, юриш-туришинг бежо. Пулингни яширасан, ёлғон гапирасан, - дедим. Ўғлим аввал гапни олиб қочди. Кейин қизариб-бўзариб:

- Мен бир қизни яхши кўриб қолдим. Бор гап шу! - деди.

- Яхши кўриш сенинг ишинг. Лекин қачон ва кимга уйлантиришни мен ҳал қиламан. Аканг туриб, сен олдин уйлансанг, эл нима дейди. Ҳали акангни уйлантиришга қурбимиз етмай турибдию, сенга йўл бўлсин. Уйимизнинг аҳволини қара. Таъмирталаб бўлиб турибди. Шуларга ақлинг етмайдими? Қадамингни ўйлаб бос, - дедим.




Шу гапдан кейин ўғлим анча ўзини босиб олди. Лекин қиз ҳар куни қўнғироқ қилиб ҳолижонига қўймасди. Бир куни ўғлим:

- Ойи, биз номаъқул иш қилиб қўйдик. Тўйни тезлаштирмасангиз бўлмайди, - деб қолди.

Ўзимни тутиб туролмай юзига 2-3 та тарсаки туширдим. Ўғлим жаҳл билан уйдан отилиб чиқиб кетди. 20 ёшга кирибдики, чертганим ҳам йўқ эди. Шу куни ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Кечқурун барчамиз дастурхон атрофига жам бўлдик. Аммо кенжамдан дарак йўқ эди. Отаси мендан бир-икки сўради. "Ўртоғининг туғилган кунига кетган", - дея ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. Ўғлим соат 11 ларда уйга кириб келди. Эрталаб отасига ётиғи билан тушунтирдим. Отаси: "Бўлар иш бўлибди. Синглим билан совчиликка боринглар. Оиласи, қизи маъқул келса ишни битириб кела қолинглар", - деди. Ўғлим бизни машинада олиб борди. Кўрдик. Бўлажак қуда ҳам, қизи ҳам бизга маъқул тушмади. Лекин ноилож қарз кўтариб бўлса ҳам тўйни бошлаб юбордик. Тўйдан 4 кун ўтгандан кейин кечаси соат 12 ларда ўғлим билан келиним ётган уйдан бақир-чақир, тақир-туқир овозлар эшитилиб қолди. Отаси билан хонамиздан югуриб чиқиб, йўлакда ўғлимизга рўбарў келдик. Унинг қўллари қон, ювиниш хонасига кириб кетди. Уйига кирсак, келиним деворга суянганча турибди. "Нима гап?" - дедим келинимга юзланиб. У индамай ерга қаради. Шу топда қўлини оқ мато билан ўраган ўғлим уйга кириб келди. Кейин маълум бўлдики, келиним ўғлимни ухлаб ётибди деб ўйлаб, бир йигитга телефон қилиб роса гаплашибди. Ўғлим ўзини ухлаганга солиб, ҳамма гапни эшитган. Ўрнидан туриб жаҳл билан хотинини сўроққа тутган ва қўли билан сервант ойнасини муштлаган экан. Кечаси бўлган воқеадан қаттиқ таъсирланиб, эрталаб хўжайиним, ўғилларим ишга кетгандан кейин келинимга: "Болам, 4 кунлик келинчак бўлсангиз. Сизни нима жин урди? Эрингиз қўйнингизда бўла туриб, бегона йигитга бемаҳалда телефон қилишингиз эпми?! Бу қандай номаъқулчилик. Ҳар қандай эрда ҳам, хотинда ҳам ҳамият, иззат-нафс деган фазилат бор. Буни кўтара олмайди", - дея танбеҳ бердим. Келиним гапимни индамай тиржайиб тинглаб турди. На "ҳа", на "йўқ" деган жавоб қайтармади. "Бу овсармикан?" - деган хаёлга ҳам бордим. Насиҳатимни қилиб ишга кетдим. Келиним уйда қолди. Ишдан барвақтроқ уйга қайтиб келсам, келиним йўқ. Отаси, ўғилларим ҳам бирин-кетин ишдан келишди. Маслаҳатлашиб кечаси келинимни олиб келдик. Орадан уч кун ўтиб у яна уйига кетиб қолди. Бир ойнинг ичида бу ҳол 4-5 марта такрорланди. Охири қудамга: "Биз шунча чиқим қилиб тўй қилдик. Эртага маҳалла раисини, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қўни-қўшниларни чақирамиз. Сиз ҳам келишингиз шарт. Орани очиқ қилиб олишимиз керак", - дедим. Қудам айтилган вақтда етиб келди ва тўй харажатининг эллик фоизини тўлашни ўз зиммасига олди. Лекин ҳанузгача бергани йўқ. Шундай қилиб келинимнинг пой-қадами оиламизга бахтсизлик келтирди. Келиним эса ҳеч қанча вақт ўтмай ўша телефонда гаплашган йигити билан турмуш қурди. Шу воқеа сабаб эримнинг қон босими кўтариладиган бўлиб қолиб, яқинда оламдан ўтди. Бир ножўя, ўйламай босилган қадам туфайли шунча ташвишларни бошимдан кечирдим. Бу гапларни айтишдан мақсадим, балоғат ёшига етган йигит-қизларга айтар гапим шуки: "Болаларим, енгил-елпи ҳисларга аср бўлманг! Чимилдиққа пок, эзгу ниятлар билан киринг. Ҳеч бир она ўғли ёки қизининг бахтсизлигини кўрмасин. Ота-онангизнинг бошига мен кўрган кун тушмасин! Менинг жоним азобда".

Аёл билан чамаси 2 соатлар гаплашиб ўтирдик. Унинг ичидаги ўт вақти келиб ўчса-да, чўғи бир умр юрагини куйдириши тайин. Аёлга таскин берган бўлдим. У қарзлардан ҳам қутилар. Лекин ёстиқдоши энди қайтмайди. Ўғли ҳам минг истиҳола билан иккинчи марта чимилдиққа кирса керак. Ҳаётда ҳамма нарсанинг эҳсони ҳам, тўлови ҳам бор. Қош қўяман деб кўз чиқармайлик, азизлар.

**Тоҳир НОРИМОВ**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# УЧ ГУЛИМ — ТИКАНГА АЙЛАНДИ

***Таҳририятимизга кириб келган бу чиройли аёлнинг қалбида шунча дарди бор деб ўйламагандим.***

- Мен учун яқинларим жуда азиз. Улар учун жонимни ҳам аямайман. Вақти келса энг охирги пулимгача, кийимларимгача бераман агар опаларимга зарур бўлса... Ва буни ҳеч қачон миннат ҳам қилмайман. Фақат мени тушунишларини истайман холос, - деди у. Исми Меҳрибон экан.

Мен уларнинг ҳақоратларидан безганимдан уй-жойимни ҳам шуларга ташлаб Тошкентга келиб қолганман. Очиғини айтсам қўлимдаги ёш болам билан бошимга не савдолар тушганини ўзим биламан. Улар менга ёрдам бериш, кўнглимни кўтариш, бошқалардан ҳам муҳофаза қилиш ўрнига мени нуқул камситишарди. Булар эса менинг жон-жонимдан ўтиб кетарди.

**- Бунинг бир сабаби борми, нега туғишган опа-сингиллар... Бунчалик сизни ёмон кўриб қолишган?**

- Ёшлигимда бир воқеа бўлганди. Бунда менинг гуноҳим йўқ. Мен вазият қурбонига айланганман, холос. Ахир менга ҳам қийин эди ўшанда...

**- Нима бўлганди?**

- Оиламизда энг кенжа қиз эдим. Мактабни битирганимда ҳамманинг қалбида бир олам орзулари бўлади. Мен ҳам ана шундай орзулар оғушида эдим. Шифокор бўлишни орзу қилардим. Аммо ўқишдан йиқилдим. Кейин, акам қишлоғимиздаги кийимлар тикадиган ательега ишга киритиб қўйди. Ёмон тикмасдим. Ёшлигимдан онамнинг ёнида ўтириб, у буларни тикишга ёрдамлашганим учун қўлим анча келишиб қолганди. Шунинг учун сал ўтмай усталикка ўтказишди. Мен яхши чевар бўлиб, пулни ҳам шунга яраша топа бошладим. "Барибир кейинги йили ўқишга кираман, албатта шифокор бўламан", деб ўйлардим. Лекин... Орзу-орзулигича қолди.

**- Нима учун? Сиз бунга эришиш учун харакат қилмадингизми?**

- Мен ишлаб юрганимда бир йигит мени ёқтириб қолди. У ҳам бировнинг фарзанди эди, ёмон ҳам деб айтолмайман. Аммо, у менга совчи юбормоқчи бўлганида рад этдим. Бу эса унга ёқмади. Кейин у бир куни ишдан кеч қайтаётганимда олиб қочиб кетди. Мен алам билан "дод" деганимча қолавердим. Тўй ҳам бўлди. Шундан сўнг тақдирга тан бериб яшай бошладим. Бир ўғиллик бўлдим. Зўрлик билан қурилган турмушимиз эса охири бузилиб кетди.

**- Сиз уйга қайтиб келдингизми?**

- Ҳа, яна ишлай бошладим. Уч хонали уй ҳам олдим. Лекин опаларимнининг бошларига бир савдо тушиб, уларни уйимга кўчириб олиб келдим. Жигарларим-ку, ҳар ҳолда, деб ўйлагандим. Опаларим билан аҳилликда яшаб, муаммоларимизни бирга ҳал қилиш, ниятида эдим.

**- Бунга нима халақат берди?**

- Билмадим. Улар билан бўлган кундалик машмашалар шу қадар жонимга тегдики, кийимларимни битта сумкага жойлаб, боламни олганимча Тошкентга келиб қолдим. Ижарама-ижара яшаб бозорда у-бу нарсалар сотиб, амаллаб бир хоналик уй олдим. Шу вақтда эса опаларим мени излаб келиб қолишди. Жигарчилик экан, яна уларга қучоқ очдим. Қийналиб қолишибди. Пул бердим, бирга бозорга олиб чиқиб бозор қилишни ўргатдим. Улар беш-олти ой бозор қилишиб кейин уйларига кетишди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач яна келишди. Ўзлари ҳам пул топа бошлашди. Аммо, ҳар гал мени ҳақоратлаб, уришиб сўнг уйларига кетишарди. Мен эса тийинлаб пул йиғиб шу уйимни сотиб бошқа жойдан икки хонали уй олиб кетдим.

Аммо улар яна эшигимдан кириб келишди.

**- Сиз уйингизга киритдингизми?**

- Бир томондан уларни соғингандим, иккинчи томондан улар йўлакда туриб олишиб, мени бақириб ҳақоратлай бошлашгани учун қўшнилардан уялдим.

**- Айбингиз нима эканлигини айтишадими?**

- Ёшлигимда мени ўша номард олиб қочиб кетгани уларнинг бошини эгиб қўйганмиш...Йиллар оша шу воқеа сабаб ўзимнинг бахтсиз бўлганим етмайдими, опажон. Ўз опаларим мени тушунишмагач, дардимни сизларга айтдим-да. Улар инсофга келишармикан?

**Сингилжон! Опа-сингиллар, жигарбандларнинг келиша олмаслиги жуда қийин-да. Сиз чиндан ҳам опаларингизга меҳрли экансиз. Аммо, опаларингиз ҳам бир куни тушуниб қолишар. Ёшликда ҳам шундай гўзал бўлганингиз боис, бир аблаҳ олиб қочиб кетиб бахтсиз қилиб, орзуларингизни поймол қилгани учун айбдор эмассиз. Сиз эса барибир меҳру-мурувватингизни улардан дариғ тутманг. Кўнглингиз зулмат бўлмасин. Эҳтимол кимларнингдир уларга айтган гаплари сабабли шундай муомала қилишаётгандир. Балки оила, турмуш ташвишлари уларнинг кўнглидаги меҳрни янчиб, тиканзорга айлантиргандир. Сиз исмингиз жисмингизга мос, Меҳрибон аёлсиз. Бир куни сиз бунинг учун тақдирланасиз, бунга ишонинг азизим!**

**Басира САЙДАЛИЕВА**

## Қулоққа чалинган гаплар

# ГЎЗАЛ

Ўша куни автобуслар битирувчиларнинг сўнгги қўнғироғидан қайтаётган, чиройли кийинган йигит-қизлар билан тўлаб кетганди. Шўх-шодон ёшлар кулиб, гаплашиб кетишарди. Улар ўз таассуротларига шу қадар берилиб кетгандики, атрофдагилар билан ишлари ҳам йўқ эди.

Жуда башанг кийинган қизлар орасида сочини қирққокил қилиб олгани ҳам бўлиб, у дўстларининг гапини жимгина, сал жилмайиб, тинглаб кетарди. Оддий кийинган бўлса-да, попукдек қошу-кўзлари, этагидан ошган узун-узун сочлари уни янада чиройли кўрсатарди. Шу пайт бир аёл:«Сал секинроқ гапиринглар. Бошим оғриб, ишдан сўраб келаяпман, ахир!" - деди. Йигит-қизлар ҳиринглаб, кулиб, атайин бақириб гаплаша бошлашди. У қиз эса ўртоқларини тартибга чақириб кўрди. Бўлмади. Кейин аёлнинг ёнига келди-да: «Опажон! Бизни кечиринг! Бугун байрамимиз-да. Мактабимиз билан хайрлашиб келаяпмиз,» -деди жилмайиб. Аёлнинг юзу-кўзидан сачраб турган ғазаб пасайди-да, чеҳрасига табассум инди. «Қизим, сенинг қалбинг, одобинг ҳам ўзингдек гўзал экан. Илоё бахтинг ҳам шундай гўзал бўлсин!»-дея дуо қилди. Автобусдагилар жим бўлиб қолишди. Мен қизга ҳавас қилганимча ўз бекатимда тушиб қолдим.

**ГУЛБАШАКАР**

# ОДОБ – ИНСОН БЕЗАГИ

*"Қайдасиз, Алпомишлар, овоз беринг Барчинойлар!" - 7-сон*

**ЭСЛАТМА: Биз Алпомишу Барчинойлар авлодимиз. Такасалтанг, ишёқмас, одобсиз тенгдошларимиз буни сира унутмасликлари лозим.**

**Малоҳат ХОЛБОЕВА**

Бу мақолага кўз югуртирдим-у, ҳам кўп фарзандларнинг онаси, ҳам узоқ йиллар давомида мактаблар ҳамда олийгоҳда ёшлар билан ишлаганим учун бўлса керак, шу камчиликлар менга ҳам тегишлидек туюлиб, фикрга толдим.

Ҳақиқатан ҳам, қўпол нуқсонлар ранжитади кишини. Ахир, ҳар томонлама баркамол инсонни вояга етказиш энг аввало, ота-она, қолаверса, таълим даргоҳларининг долзарб вазифаси-ку! Бу масалага эътибор бермасак, дунё олдида танилиб бораётган юртимизнинг келажаги ана шундай ёшлар билан нима бўлади? Яқин-яқинда бўлиб ўтган воқеа ҳамон эсимда: Педагогикадан амалий машғулот пайтида бир хоразмлик талабани (4-курсдан) баҳсга чақирсам, (ўтириши бежо эди) дабдурустдан: "Мен тайёр эмасман", - деди. Индамай бошқа талабага сўз бериб, унинг эркин, мароқли фикрини тингларканман, ҳалиги беписанд қиздан кўзимни олмай турсам, олдига тўсиқ қилиб қўйилган сумкасига таяб қўйилган кўзгуга қараб чапиллатиб сақич чайнаб ўтирарди. Тайёрланмай келгани учун ийманишни ҳам билмай қилаётган иши ғашимга тегди. Олдимдаги партада ўтирган гуруҳ сарбонидан ҳеч кимга сездирмай, қизнинг қаерлик ва неча болали оиланинг қизи эканини сўраб олдим. Машғулот тугагач, қизга кетмай туришини, унга гапим борлигини айтдим.

Хона талабалардан бўшаб улгурмай: "Опа, мен қолдим",-дея менга қўйилган стулда сақич чайнаб намойишкорона ўтирарди.

- Аввал оғзингдагини ташла-да, сўнг гапиргин! - десам:

- Бу пулга келган-да! - деди-я! Жаҳлимни ичимга ютиб:

- Эссиз, Хоразмдек узоқ жойдан ўқишга келиб, ўқишинг шуми? Бечора ота-онанг саккиз болани қийналиб ўстириб, сени олий маълумотли бўлиб қайтади, - дея орзу қилишса керак-а? Қийин куллиётда (инглиз тили) ўқиётган бўлмасанг ҳам майли эди! Мени кечирасан-у, уйингга хат ёзиб, "зўр ўқиётганинг"ни уларга айтаман, келиб сени олиб кетишсин, хўпми? - десам саросимага тушиб йиғлашга, кечирим сўрашга ўтди. Мен индамай хонадан чиқиб кетдим.

Азиз ота-оналаримиз хоҳ ўғил, хоҳ қизларини узоқ ўлкаларга ўқишга юбориб назорат қилишни унутмасликлари зарур. Қаламкаш Малоҳатхоннинг куйиб-пишганича бор. Йигитми, қизми кимлигидан қатъий назар Инсон деган номга муносиб бўлиш учун уни безайдиган одоби, кийиниши, ўзаро катта-кичикка муносабати, муомаласи меъёрида бўлиши жуда-жуда зарур. "Одоб - инсон безаги", - деб бежиз айтмайдилар.

Бизнингча, оила даврасидаги кичик ёки катта суҳбатларда фарзандларни ёқимтойликка, майинликка, катталарни ҳурматлашга, эъзозлашга, мулоҳаза қилиб майин сўзлашга ўргатсак, "раҳмат" келтирадиган бугина эмас, турмуш қурганида тиниб-тинчиб кетадиган бўлишларига замин ҳозирлаган бўламиз. Акс ҳолда тарбия маймоқ бўлиб қолиб дилхираликларга сабаб бўлади.

***Тақдирин қўл билан яратур одам,***
***Ғойибдан келажак бахт-бир афсона,***
***Саодат инсоннинг ўз ҳунаридир***
***Тақдирнинг қудрати эмас баҳона,***

- деб куйлаганида минг бора ҳақ эди улуғ шоиримиз.

**Афифа ХАСАН қизи**

*Акс-садо*

# ҲАЛИ ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

*"Дошқозонда қайнаган алам" -21-сон.*

**ЭСЛАТМА: Қўшни аёллар маслаҳатлашиб Ҳафизаларникида сумалак қилишга қарор қилишди. Аммо Ҳафиза овсини Лобарни сумалакка қўшишни истамади. Ҳатто болаларни ҳам четлатди. Бундан аччиғланган Лобар онасиникига кетиб қолди. Хотини ва болаларисиз ўзи ёлғиз қолган Низом тунда димлаб қўйилган сумалакка икки пақир ахлат тўкиб юборди.**

***Муаллиф: Н.ЙЎЛДОШЕВА***

Бу мақолани ўқиб, титраб кетдим. Наҳотки, мўмин-мусулмон одам шунчалик қабоҳатга ботса. Ахир сумалак Биби Фотима онамиздан қолган табаррук таом-ку. Қолаверса, эрталабгача фариштаи малоикалар қўриқлаб чиқармиш. Сумалак пиширилаётган ерда инсон ҳатто ноўрин ўй-хаёллардан ҳам ўзини тийиши керак-ку!

Мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Ўша мустамлака йилларининг маънавий асорати эмасмикин бу? Чунки сумалак пишириш ҳам диний ақида сифатида четга суриб қўйилган, уни эъзозлашни унутиб юборишга мажбур қилинган эдик. Мана, оқибати. Мен сумалакни диний эътиқод манбаи сифатида илоҳийлаштирмоқчи эмасман. Масаланинг моҳиятига чуқуррок ёндошсак, биз Ҳалол ва Ҳаром, Яхшилик ва Ёмонлик тушунчаларини ажратиш туйғусидан маҳрум этилган эдик. Шунинг учун ҳам бугун кўпчилик ҳалол лукма ейиш ва фарзандларига ҳам раво кўриш, тўғрилик билан иш битириш, меҳнат билан мақсадга эришиш кераклигини тушуниб етмайди. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайди, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб иш битиришни афзал кўради.

Президентимиз ва ҳукуматимиз шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга эътиборни кучайтираётганлиги яхши. Аммо, аҳолининг лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида шаҳарларда ахлат уюмлари ва нообод жойлар ҳали ҳам кўп. Сир эмаски, қишлоқларда ҳам тиниқ оқадиган ариқ ва анҳорни топиш амри маҳол бўлиб қолди. Шоирларимизга илҳом берган, кишининг кўзини яшнатган илгариги зилол сувлар қаёқда дейсиз? Боиси, баъзи юртдошларимиз ҳеч иккиланмай ва оғринмай ахлату мағзавани ариққа оқизадилар. Ҳатто сулув келинчаклар ҳам эрта тонгда кўчани сувга қаратиб супурадилар.

Минг йиллардан бери авайлаб, сақлаб келаётган гўзал удумларимизга амал қилмаётганимиз ёмон.

Мен бу ўринда катта овсин Ҳафизани ҳам айблайман. Бундай ичи қоралик, худбинлик қаердан пайдо бўлди унда. Сумалак савоб олиш учун, кўнгилларга эзгулик уруғини сочиш учун, ҳамжиҳатликни, аҳилликни кучайтириш учун пиширилади-ку!

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

***Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.***

Ҳафиза эса Лобарнинг кўнглини вайрон қилди, юзига оёқ қўйди. Шунинг учун ҳам мана шу қабоҳат содир бўлди. Сумалак Наврўз таоми, деймиз. Тарихдан маълумки, Наврўзда урушлар тўхтаган, урушганлар ярашиб олишган. Дўстлик ришталари мустаҳкамланган. Бу-ку икки овсиннинг шунчаки арази экан. Катта овсин сифатида, бир-икки кўйлакни ортиқ кийган аёл сифатида Ҳафиза ўйлаб иш тутиши, биринчи галда Лобар билан маслаҳатлашиши, уни таклиф қилиши керак эди. Шунда орадаги бор гина-кудуратлар ҳам барҳам топар, иккала оила ҳам хотиржам, болалар шод-хуррам, ака-укалар ҳам бахтиёр бўлар эди.

Низомнинг хатти-ҳаракатларини-ку оқлаб бўлмайди. Нари борса, "бор-е" деб кўчага чиқиб кетиши мумкин эди-ку. Шайтонга қўл бериб, бемаъни ҳаракат қилибди. «Эй, номард, сумалакда нима айб»,-дегинг келади. Яна ҳам уларнинг маҳалласидагилар иймонли, инсофли одамлар экан. Ака-укаларни кечиришибди, уларга раҳмат. Лекин, Низом бу қилмишига яраша тақдирнинг жазосини олади, деб ўйлайман. Ахир бу дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмайди-ку!

Азиз ҳамюртларим! Бир-биримизга яхшилик назари билан қарашга ўрганайлик.

**Маърифат ҚОСИМОВА,**
**АДТПИ ўқитувчиси**

# САБР ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

*"Сабр косам тўлиб кетди". 19-сон.*

**ЭСЛАТМА: Эрим жуда меҳнаткаш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаган. Менга ва болаларига меҳрибон. Уйимизга дугоналарим келиб туришарди. Эрим улар билан ичиб, бемалол чақчақлашиб ўтирарди. Кейин билсам, эрим улар билан кўнгилхушлик қиларкан...**

**Аёл**
***Тошкент***

***Чин меҳр ва маслаҳатга зор Аёл!***

Азал-азалдан қадим ва сиру-синоатга тўла дунёга "Бир кам дунё..." деб таъриф беришган. Кимдир фарзандга, яна биров турар-жойга, пулга зор бўлиб яшайди. Буларнинг барига йиллар давомида эришса бўлади. Сиз эса меҳрга зор экансиз. Инсон моддий тўкинчилик бўлмаса ҳам чидайверади, яшайверади. Лекин меҳрга зор аёл қалбининг изтиробли кечинмалари, фақат унинг ўзигагина аён. Чин меҳр ва муҳаббатнинг ўрнини қўша-қўша уй ва машиналар, мол-дунё билан тўлдириб бўлмайди. "Сиздан дунё сўрамагандим, сўраганим озгина Меҳр эди", деганлари шу эмасмикан?!

Турмуш ўртоғингизнинг бевафолиги сизни ларзага солган. Эрнинг хиёнати... Бу оғриқ камдан-кам вақтдагина аёллар қалбини четлаб ўтади. Сиз эрингизнинг хатоларини унутишга ҳаракат қилишингиз керак. Агар билсангиз унутмоқлик ҳам бир саодатдир. Ахир ҳаёт, умр фақат ғам-ташвишу, ғурбатлардан иборат эмас. Эрингизнинг ҳатти-ҳаракатлари сизнинг эзилиб, ғуссага ботиб юришингизга арзимайди. Эрингизнинг хиёнати туфайли қаддингизни букманг. Тўғри, юрагингизни унинг хиёнати ларзага солади. Айтишади-ку, ҳамма нарсанинг давоси вақт. Бир кун келиб дилингиздаги бу қайноқ аламлар совийди.

"Ҳалиям фақат сени севаман", деган маъносиз сўзни эшитиш менга бир азоб, дебсиз. Эрингизнинг бу гапига ишонинг. **Назаримда эркаклар аёлларни бир неча гуруҳларга бўладилар: Севса бўладиган аёллар, фақат кўча-кўйда гаплашса бўладиган аёллар ва уйланса, оила қуришга арзийдиган аёллар.** Сизнинг босиқлигингиз, уй-рўзғор тутишингиз, ҳурматини жойига қўйишингиз каби фазилатларингизни севади эрингиз. "Кўча ҳаёти"дан безган пайтларида яна Сизнинг ўзингиздан малҳам излайди. Бир кун келиб ўз хатоларини тушуниб етади.

Балки, мен ёмон инсондирман, уни кечира олмаяпман, деб куйинманг. Ҳаётда кўп ишлар, гуноҳлар кечирилади. Опа-укаларни бир-биридан узоқлаштириш, ота-она билан дийдорлашувини ман қилиш энг катта гуноҳ ҳисобланади. Хиёнатни эса кечирмайдилар.

Фарзандлари учун, уларнинг келажаги учун ўз ғурурини оёқ ости қилган, андишанинг этагидан маҳкам тутган аёл ёмон инсон бўлмайди. Болалари руҳини синдирмаслик учун йигирма икки йиллик оила қўрғонини - дераза ва эшикларидан хиёнат мўралаган, муқаддас аёлнинг покиза туйғулари топталган масканни ушлаб турмоқ ҳам бир жасорат!

Бошингизни тик тутиб, кўз ёшларингизни артинг. Аёл кишининг кайфиятини ким кўтаради?! Албатта унинг ўзи. Қишлоқ жойда яшайсиз. Ўзингиз учун севимли машғулот топишга имкониятингиз кўп. Жонудилингиздан севувчи фарзандларингизга меҳрингизни бахшида қилинг! Хаёлингизни уларнинг чиройли орзулари, келажаги ҳақидаги ширин ташвишлар банд қилсин. Сизга бўлган фарзандлик меҳридан баҳра олинг. Кўнгилга ором бағишловчи, қалбга таскин берувчи санъат асарларидан, бадиий адабиётлардан завқланинг. Зеро, иллат излаганга иллат бу дунё, деганларидек ўз ҳаётингизни ўзингиз чиройли, нурафшон қилинг.

Сабр қилган етар муродга. Эрингизга инсоф, ўзингизга сабр-матонат берса, бахтли кунларингиз ҳали олдинда. Ширингина неваралар даврасида юзлари севинчдан порлаган бобо ва бувилар... Мен сиз ва эрингизни ана шундай тасаввур қилгим келади.

**Муборак ЖУМАБОЕВА,**
**Хонқа тумани.**

# МЕН БОШПАНА БЕРАМАН

*"Бошпананг бўлсин экан" 22-сон.*

**Эслатма: Эримнинг хиёнати туфайли бир қизчам билан уйдан чиқиб кетганман. Ўшандан бери ижарама-ижара яшаб қизимни турмушга узатдим. Иккинчи марта турмушга чиқдим. Чиққан жойим бой-бадавлат. Лекин, менга худди чўридек муомала қилишади.**

***МАЛИКА***

Маликахон! Менимча, у оилада яшашингиз мутлақо мумкин эмас. Бу менинг шахсий фикрим албатта. Чунки сиз яшаётган хонадон соҳибларида сизга нисбатан заррача бўлса ҳам ҳурмат йўқ экан. Ҳар бир шахснинг иззат-нафси бор ахир. Шунча камситишларига чидаб яшабсиз. Ҳурматини билмаганлар тоифаси шунақа бўлади. Сиз уларни ҳурмат қилиб уялтиринг. Унда ҳам бўлмаса, меникига келинг. Мен сизга бошпана бераман.

**Қ.МАМАНОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Паст Дарғом тумани,**
**«Шарқ-юлдузи» ширкати,**
**Манғитобод маҳалласи**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Азиз опажоним
МАХБУБАХОН!
Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Бахтли-саодатли, фароғатли умр кечиринг. Умрингиз узоқ бўлсин. Сизни яхши кўрамиз ва қадрлаймиз.

Синглингиз Ўғилой



Ҳурматли
ШАҲЗОДА опа!
Сизни таваллуд кунингиз-20 баҳорингиз билан қутлаймиз. Узоқ умр, бахт тилаймиз.

Синглингиз
Шаҳло Эргашева
Бўстонлиқ тумани
Сижжак қишлоғи



Азиз ойижонимиз
Муборак ҒАНИЕВА!
Сизни 34 ёшингиз билан қутлаймиз. Биз фарзандларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг.

Фарзандларингиз
Шодиёр, Юлдуз ва турмуш ўртоғингиз Нуриддин.
Оққўрғон тумани
Ўзбекистон ж/х

Азиз падари бузрукворимиз
Азаматжон САРИМСОҚОВ!
Сизни қутлуғ 63 ёшингиз билан табриклаймиз? Умрингиз узоқ бўлсин. Онажонимиз билан қўшақаринглар! Оллоҳ умр йўлларингизни ойдин қилаверсин!

Ўғилларингиз, келинларингиз, қизларингиз, куёвларингиз ва набираларингиз

# ОТАДЕК МЕҲРИБОН УСТОЗ



## Яхшилардан сўз очдик

Қаҳрамонимиз Ўрол Давронов оилада фарзандларига ғамхўр ота, ўқувчиларига эса талабчан устоз.

Отаси урушга кетганда Ўрол ака 4 ойлик чақалоқ эди. Ота урушдан қайтмади. Ўғилжон ая ота меҳридан мосуво ўсган ўғли ўқимишли инсон бўлишини орзу қиларди.

Ўрол ака педагогика институтини тугатиб, 40 йилдан зиёд ёш авлодга таълим берди. Обрў-эътибор топди. 1991 йил Ғазалкент шаҳрида ногирон болалар учун мактаб-интернат ташкил этилиб, Ўрол ака Давронов раҳбар этиб тайинланди. 108 нафар ногирон, кўнгли ўксик болаларнинг ҳар бирига отадек меҳрибон.

- Мактаб интернатимизда болалар учун ҳамма шарт-шароитлар етарли. Аммо... Фақат ота-она меҳрини қўмсашади, соғинишади-да. Ўзим бир умр шу соғинч билан яшаганим учун бу туйғунинг нималигини яхши биламан. Вақтимнинг кўп қисмини улар даврасида ўтказишга ҳаракат қиламан,-дейди у.

Ўрол ака рафиқаси Баҳрихон ая билан 41 йилдан буён ибратли умр кечириб келишмоқда. Неъмат, Шоира, Зуҳра, Юлдуз, Сайёра, Марғубахонлар турли касбларда ишлашади. Ўрол ака фарзандларидан мамнун. У 19 набиранинг севимли бобоси.

Ўрол ака юртдошларига қўлидан келганича яхшилик қилиб, шу эзгуликдан кўнгли тўлиб яшайверади.

**Басира САЙДАЛИЕВА**

# ЭЪЛОНЛАР!




Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

**Ўқув муддати 2 ойлик курслар**
• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиб тикиш • Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр•Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси•Қандолатчилик-олий курс.

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**
• Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**
- Массаж ва уй ҳамширалиги • Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишивка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.
**Телефон: 45-18-42, 29-28-58.**

"ХАДИЧА-САЁҲАТ"

Ўқув маркази барча хоҳловчи хотин-қизларни 1-2-3 йиллик юқори малакали тикувчилар курсларига ўқишга таклиф этади.
Шунингдек, қисқа муддатли ўқув курслари ҳам фаолият юритмоқда:
3 ойлик
*· Бичиш-тикиш 3-6 ой; · Парда ва чойшаблар тикиш (Элита); · Эркаклар костюм ва шими; · Юмшоқ ўйинчоқлар ва сунъий гуллар тайёрлаш; ·Қандолатчилик; · Сартарошлик 3-6 ой; · Уй ҳамшираси; · Массаж (умумий ва нуқтали) 2 ой; · Бисер*
Ўқишни битирганларга диплом сертификат берилади.
Ўқишни малакали ўқитувчилар олиб борадилар.
Манзил: Янгиобод даҳаси, "Маданий моллар" базаси биноси ичида.
Мўлжал: Янгиобод бозори ва Янгиобод кинотеатри оралиғида
Автобус: 5, 26, 23, 30, 61, 104, 119 Микро-автобус: "Раф": 18, 57, 75, 80, 15 "Отойўл": 45, 39, 64

**"UMID va ISHONCH"** Тиббиёт маркази қуйидаги мутахассисликлар бўйича хизмат кўрсатадилар:
Жарроҳ, жарроҳ-косметолог, уролог, дерматолог, гинеколог, терапевт, кардиолог, невропатолог, ЛОР, педиатр, уқаловчи, ҳамда УТ диагностика, ЭКГ (компьютер ўқиш), биохимик анализларни, физиотерапия ва гидромассаж ванна ва бошқалар. Шу билан бирга бизнинг марказда бўлажак келин-куёвлар учун 10% чегирмали консультация ва диагностика усуллари олиб борилади.
*БИЗ СИЗНИНГ ЧИРОЙИНГИЗ ВА СОҒЛИҒИНГИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!*
Манзил: Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви. Тел:45-07-42, 45-07-72

*УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ*
**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**
**Буйрак, қовуқ, простата бези** касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
**Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жанггоҳ маҳалла)**
**Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача**
**Шанба кунлари 9:00-11:00гача**

**"Намуна Зиё"** қуйидаги курсларга ўқишга таклиф этади:
1. Қандолатчилик - **2 ой**, 2. Уй ҳамшираси - **2 ой**, 3. Массаж - **2 ой**, 4. Бичиш-тикиш - **2 ой** 5. Бисер тикиш - **2 ой**, 6. Сартарошлик - **2 ой**, 7. Зардўзлик **- 3 ой** 8. Элита усулида парда ва чойшаблар тикиш - **2 ой**.
*Ўқишни битирганларга диплом ва сертификат берилади. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.*
Телефонлар: 78-74-90 эрталаб. 78-60-15, 78-47-87, 46-69-18 кечқурун
Манзил: Чилонзор тумани, Оқ-тепа майдони, Лутфий 1-тор кўчаси, 1-уй. Лутфий маҳалла фуқаролар йиғини идорасида жойлашган.
Автобуслар 13, Отайўл-маршрут 54, 12, 22, "Раф"-маршрут 22, трамвайлар 4, 9. Оқ-тепа майдони бекати.


Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан **1995 йил 6 апрел**да **191КП-ПО** буйруғига асосан **Тўрахонов Авазхон Муродович**га берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи **399-**рақамли Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайҳонтоҳур туманидаги Қўчқор Турдиев номли **59- мактабдан Исакова Зилола Ҳошимовнага берилган 042131** - рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл тумани, "Халқобод" лицей-интернати томонидан **2003 йил**да **Умарова Мастурага берилган OR-A - 1444234** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


ОФИС МАРКЕТнинг 555 хил таклифномалари ва канцелярия молларини кўришни хоҳласангиз, магазинимизга марҳамат қилинг.



МАНЗИЛ: Олой бозори, Каблукова кўчаси.
Тел: 136-76-60, 110-26-23.




"ЛОРА ЛЮКС" *Тўй кўйлаклар уйининг эшиклари бахтиёр келинпошшалар учун доимо очиқ.*

Манзилимиз: Метронинг "Халқлар дўстлиги» бекати, Олмазор массиви 7-уй, 32-хонадон. Марҳамат қилинг!




Об-ҳаво маълумоти

Об-ҳавони аниқлаш марказининг маълумотига қараганда 1-5 июл кунлари республикамизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди.

Ҳарорат кечаси **20-25°,** кундузи эса **35-40°,** жанубда ва чўл туманларида кечаси **22-27°,** кундузи ҳарорат **37-42°** гача кўтарилиши кутилмоқда.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Оилангизга сизнинг ғамхўрлигингиз зарур бўлади. Молиявий ишларингиз эса ҳавас қилгудек бўлади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Пайшанба куни келажагингизга оид масала ҳал бўлади. Ортиқча гап-сўзларга аралашманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).**- Сешанба куни мўмай даромадли иш таклиф қилишади. Яқинларингиз билан маслаҳатлашиб иш тутинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Агар бетиним ҳаракат қилсангиз шунга яраша яхшигина мукофотланасиз. Шанба куни яхши хабар эшитасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Чоршанбада бошлиқларингиз билан хушмуомалалик билан гаплашинг. Оқибати сиз учун ёқимли тугайди.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳафтанинг ўртасига бориб соғлиғингиз ҳақида ўйлашга мажбур бўласиз. Шифокорга учрашганингиз маъқул.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Оилангизда ишга доир кўнгилсизлик натижасида жанжал чиқиши мумкин. Ўзингизни қўлга олиб иш тутинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Агар арзимаган воқеалардан тушкунликка тушмасангиз, ҳафтангиз тинч ва осойишталик билан ўтади.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Душанбадан пайшанба кунигача ўз устингизда қаттиқ ишлашингиз зарур. Бу сизга омад келтиради.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Толиқишни ҳис этасиз. Ишингиз олдинга силжимайди. Яхшиси бу ҳафтани дам олишга бағишланг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Фарзандларингиз сизнинг меҳрингизга интиқ. Сиз ҳам уларнинг ширин сўзларига, ғамхўрликларига ғарқ бўлинг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Турмуш ташвишлари бошингиздан ошиб кетади. Аммо, компьютер ёнида узоқ қолиб кетмасликни маслаҳат берамиз.

## Ота-онам, акаларим мендан хафа.

Ёшим 34 да. Айрим сабабларга кўра уйланмаганман. Нима учунлигини батафсил баён қилишимнинг энди аҳамияти йўқ. Ўтмиш ортда қолган йўл деб биламан. Мен ҳам кеч бўлса-да, чимилдиққа киришни, ўғил - қизлар кўришни орзу қиламан. Тенгдошларим қатори элга ош беришни, ҳеч жойда ва ҳеч қачон елкам қисиқ бўлишини хоҳламайман. Мен билан тақдирини боғлаган қизни албатта бахтли қиламан. Гап ёшда эмас, кўнгилда. Водийдан ё бўлмаса Тошкент шаҳридан шундай қизлар бор бўлса овоз беришсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**О.**
**Фарғона вилояти**

Назаримда ҳаётда янглишдим. Ўқийман деб 30 ёшгача илмга шўнғидим. Институтни қизил диплом билан битирганман. Мана энди тенгдошларимдан ажралиб қолдим. Ота-онам, акаларим мендан хафа. Домимиз ҳовлиси кечқурунлари болаларнинг қийчуви билан гавжум бўлади. Кимдир турмуш ўртоғи билан етаклашиб ишдан қайтади. Яна кимдир жуфти билан хиёбонгами, киногами отланади. Ҳар куни дераза ортидан бу манзарани кузатиш мен учун нақадар оғирлигини ёлғиз мен ва тангрим билади. Шу боис турмуш қуришга қарор қилдим. Танишмоқчи бўлган инсон ҳеч қандай манфаат ва таъмадан йироқ бўлсин. Мен буни кўтара олмайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Малика,**
**Тошкент шаҳри**

Синглимнинг ҳечам бахти очилмаяпти. Уйимга келиб, болаларимни қўлига олса, юрагим эзилиб кетади. Ёши ҳам 40 га яқинлашиб қолди. Ҳисобчи бўлиб ишлайди. Ҳали турмуш қурмаган. Ўзи босиқ ва камгап. Ўзига оро берадиганлардан эмас. Ҳусни ўзига яраша. 45-50 ёшлар атрофидаги йигит бўлса, фарзанди бўлса ҳам майли, ўзимиз бош-қош бўлиб тўй қилардик. Жигарларимизнинг бахти ҳар нарсадан устун бизга.

**Манзилим таҳририятда.**

**Комила,**
**Тошкент вилояти.**

Тадбиркор бўлиб ишлайман. Турмушим бузилганига 8 йил бўлди. 7 ёшли қизим бор. Ёшим 28да. Фарзандимга ота меҳри зарурлигини, унинг ҳам укалари, сингиллари бўлишини хоҳлайман.

Тошкентлик уй-жойи бор. 30-35 ёшли қонуний ажрашган йигит билан танишмоқчиман. Битта фарзанди бўлса ҳам майли.

**Манзилим таҳририятда.**

**Г.**

Ёшим 32 да. Турмушим бузилганига 4 йил бўлди. Битта ўғлим бор эди. Онаси олиб кетди. Ўзим қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланаман. Аниқроғи иссиқхонамиз бор. Ота-онам қариб қолган. Бир ҳовлида турамиз. Оилам, уйим-жойим дейдиган, мени ва ота-онамни ҳурмат қиладиган аёл билан танишмоқчиман. Битта фарзанди бўлса ҳам майли. Ёлғизликдан жуда эзилганман. Мен бўлажак турмуш ўртоғимни бахтли қилишга ҳаракат қиламан.

**Манзилим таҳририятда.**

**Рустам,**
**Тошкент вилояти.**

Ёшим 21 да. Самимий ва камтар қизман. Инсондаги мардликни, самимийликни, меҳрни ва вафони қадрлайман. Мен ҳам вафодор шаҳзодам бўлишини, қайнона-қайнотамнинг суюкли келинчаги бўлишни орзу қиламан.

**Манзилим таҳририяда.**

**Бахтигул,**
**Самарқанд вилояти**

Менинг бир ажойиб, ораста, саранжом-саришта, диёнатли, лабзи ҳалол, баланд бўйли, уйим-жойим дейдиган, замонавий опажоним бор. Ёши 44 да. 52 ёшларгача бўлган, баланд бўйли, тушунган эркак бўлса танишиб, оила қурса, деган ниятдаман.

**Олмалиқ шаҳри**
**Главпочта**
**паспорт СВ 1153318**
**Талаб қилиб олгунча**

Болалар шифокори бўлиб ишлайман. Қонуний ажрашганман. 10 ёшли қизим бор. Ёшим 28да. Фарзандимга меҳрибон, ғамхўр ота, менга меҳрибон вафодор турмуш ўртоғи бўла оладиган касб-корли, иймонли, уйим-жойим дейдиган юраги пок инсон билан танишиб, тўғри келса турмуш қуриш ниятим бор.

**Манзилим таҳририятда**

**Назокат,**
**Тошкент шаҳри**

Садоқатли ёр, намунали келинчак, меҳрибон она бўлиш бахти аввало барча хотин-қизларга насиб этсин. Мен ҳам шундай орзулар оғушида эдим. Лекин ўқишни биринчи навбатга қўйдим. Ҳаммасига улгураман дебману, ёшим 26 га кирганини ҳам сезмай қолибман. Олдинига ўқишим, кейинроқ ишлашим кераклигини айтиб, кўпгина совчиларни ноумид қилдим. Мана энди одамларнинг гап-сўзлари жонимга тегди. Баъзида ўзимга савол бераман. Айбим ўқиб касбу корли бўламан деганимми? Яхшигина пазандаман, тикиш-бичиш, зардўзлик ҳам қиламан. Озода, саранжом-саришталикни яхши кўраман. Инсонлар билан тез дўстлашиб кета оламан. Меҳмондўстман.

Ёши 26-30 гача бўлган касб-ҳунарли, маълумотли, зарарли одатлардан ҳоли бўлган, камтар инсон билан танишмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**О.**
**Сирдарё вилояти**




Ёшим 25 да, ўрта бўйлиман. Маълумотим ўрта. Тикувчиликка ҳам ўқиганман. Ҳамширалик ҳамда пазандачилик қўлимдан келади. “Ўзини мақтаяпти”, деб ўйламанглару, лекин борича ёздим. Ота-онам бахтимни кўриб қувонишини истайман. Қайнона-қайнотам орзу қилган келин бўлишни истайман. Мен танишмоқчи бўлган йигит 25-31 ёшгача, уйли-жойли, касб-ҳунарли, ақлли, инсон қадрига етадиган бўлишини истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Л.**
**Қашқадарё вилояти**

Оилам бузилганига 4 йил бўлди. Фарзандим хотинимнинг тарбиясида. Онам: “Ўзинг сўраб-суриштириб топ”, - дейди. Чунки собиқ хотинимни ота-онам топишганди. Биринчи кундан кўнглимга ўтирмади. Феъл-атвор тўғри келмаса муроса қилиш қийин бўларкан.

Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қолаверса ёлғиз фарзандимни ўйлаб тишимни-тишимга қўйиб яшадим. Охири бўлмади. Ёшим 32 да. тижорат ишлари билан шуғулланаман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Онамга ёрдамчи, менга эса вафодор ёр бўла оладиган ибоҳаёли аёл билан танишмоқчиман. Мабодо номозхон, хижобга кирган бўлса янаям яхши. Унинг бойлиги, ота-онасининг мавқеи мени қизиқтирмайди. Ҳар кимнинг пешонасига берсин. Пешонамга кўнгли нопок аёл ёзилишини сираям хоҳламайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нодир,**
**Тошкент шаҳри**

Ёшим 33 да. Турмушимдан ажралганимга 7 йил бўлди. Иккита фарзандим бор. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Ота-онам мени мажбурлаб турмушга узатишди. Эрим ичиб келиб ҳар куни урарди. Шу боис яна турмуш қилишга қўрқиб қолганман. Менга ўрта ёшли, мулоҳазали инсон бўлса, бир умр вафодор ёр бўлардим. Болалари бўлса ўз боламдай меҳр билан парвариш қиламан. Болаларимга ота тарбияси кераклиги учун шундай қарорга келдим. Анча вақт таҳририятга хат ёзишдан уялиб юрдим. Кўпчилик: “Эълон бериб танишиш ўзбек аёлига хос эмас”, - дейди. Сизлар албатта тўғри қилгансизлар. Бахтлилар ёлғизлик нима эканини қаердан ҳам биларди. Бахтли бўлишга менинг ҳам ҳаққим бор-ку!

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилором,**
**Сурхондарё вилояти**

Мен орзу қилган қиз, ҳалол оилада тарбия топган, қалби ҳам, ҳусни ҳам гўзал, қадди-қомати келишган, севги-муҳаббатга ишонадиган ва кураша оладиган, меҳр ва вафо, садоқат ва ҳурмат каби тушунчаларга эга бўлган, 24 ёшгача, содда, ўзбекона тарбия кўрган, тошкентлик бўлиши лозим. Шундай қиз билан танишиб, турмуш қуриш ниятидаман. Ёшим 31 да. Бўйим 175 см. Касбим ҳуқуқшунос. Уйланмаганман. Оиламиз ўқитувчилар оиласи бўлиб, онам билан яшайман. Уйланмаганим сабаби, ҳаётдаги нотекисликлар туфайли кўнглимдаги қизни учратмаганман. Ягона мақсадим, бир-биримизни тушиниб, соф муҳаббат асосида намунали оила қуриш. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, оиламиз ўртаҳол ва моддий қийинчиликлар бўлганлиги боис, шу тарафларни тушунган оила бўлса, менга хат ёзишларини сўрар эдим.

**Илҳом,**
**Тошкент шаҳри,**
**инд. 700123, а/я 860**
**Талаб қилиб олгунча**

Ёшим 40 да. Ота-онам оламдан эрта ўтиб, айрим сабабларга кўра уйланмаганман. 25-30 лар атрофидаги қиз билан тақдиримни боғламоқчиман. Қурилиш ишлари бўйича шуғулланаман. Ичмайман, чекмайман. Ўзимнинг икки хонали уйим бор. Мен билан танишмоқчи бўлган қиз уйимга келиб яшашни хоҳламаса. Қарши - Тошкент шаҳрига бориб яшашга ҳам розиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Камол,**
**Толимаржон шаҳри.**

Қизим турмушидан ажралганига уч йил бўлди. Битта қизчаси бор. Айби операция боис, қулоғи сал пастроқ эшитади. Коллежни тугатган. Қўли гул тикувчи. Саранжом-саришта. Жуда юввош. Гулдай умри ёлғиз ўтаётгани учун дадаси ва мен ўзимизни қўярга жой тополмаймиз. Қани эди, қўлимиздан келса, уни бахтли қила олсак.

Бухоро шаҳридан, ёши 30-35 ёшлар чамасида бўлган, оиласидан қонуний ажралган бирор эркак билан турмуш қурса яхши бўларди.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ҳалима,**
**Бухоро шаҳри**

Оилада ёлғиз қизман. Ўқийман. Озгина тўлароқман. Турмушга чиқмаганман. Қандолатчилик ва сартарошлик курсларини битирганман. Пишириқ пиширишни ёқтираман.

Ниятим, тошкентлик одобли, қалби тоза, ота-онани қадрлайдиган, ҳурмат-иззатни биладиган, уйим-жойим дейдиган ва моддий ва маънавий томондан камчилиги йўқ, ўқимишли, қўлида бир ҳунари бор инсон билан танишишдир.

Мен билан танишмоқчи бўлганлар қўнғироқ қилсинлар.

**Телефон рақамим таҳририятда.**

**Лайло,**
**Тошкент шаҳри**

Синглимнинг ҳусни ҳам, ақли ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Ўзи таржимон бўлиб ишлайди. Шахсий ҳаётда гап фақат ишли, моддий томонлама тўкисликда эмас экан. Оилавий бахт, фарзандлар кўришни ҳар бир аёл хоҳлайди. Шусиз аёл тўкис бўла олмайди. Мен жигаримнинг бахти очилишини, у ҳам бешик қучиб алла айтишини орзу қиламан. Унинг ёши 33да. Ўзининг уйи ҳам бор. Ўқимишли, самимий, оилапарвар йигит бўлса, сўраб-суриштириб турмушга берардик. Хотини ўлган ёки бир боласи билан қолган йигит бўлса ҳам майли.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зебо.**

Ёшим 48 да. Нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман. Ёшидан қатъий назар иймон-эътиқодли, маданиятли, санъат ва адабиётни қадрлайдиган оқила аёл билан танишмоқчиман. Номозхон бўлса тағинам яхши бўларди. Ғаразли ниятлар билан турмуш қурмоқчи бўлганлар, овора бўлиб юришмасин. Мен ҳалолликни, покликни яхши кўраман. Бу албатта талаб эмас, шунчаки эслатма холос. Шундай аёл бўлса, бемалол учрашиб, синашиб тақдир риштамни боғламоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

***Низомиддин***

Ёшим 45 да. 15 ёшли ўғлим бор. Ҳаёт жуда мураккаб синовларга тўла сўқмоққа ўхшар экан. Турмуш ўртоғим гиёҳвандликка берилиб, мени ҳам адо қилди. 16 йил тишимни тишимга қўйиб, калтаклари азобига чидаб яшадим. Шундан сўнг эр зотидан умуман кўнглим совиди. Лекин ёлғизлик азоби янада қийин бўларкан. Худога шукр, бир йиллари собиқ турмуш ўртоғим наша ташвишида ўз ҳолатига ҳисоб беролмайдиган ҳолатда уриб, мени қопга солиб, мозорга элтиб ташлаганда, яхши инсонларнинг қўлида паноҳ топдим.

Бир фарзандли бўлиб бахтимни топгандек эдим. Лекин, афсуски бахтим кўпга чўзилмади. Иккинчи турмуш ўртоғим эрта оламдан ўтди. Қабрлари нурга тўлсин. Энди шу ўғлим билан ёлғиз ўтаман дегандим. Лекин ҳаётда баъзи бир муаммоларни ҳал қилиш учун ёнингда суянган тоғинг бўлмаса қийин экан. Ўзимнинг уч хонали уйим бор.

50-60 ёш атрофидаги ёлғиз инсон билан танишиб, маъқул келса турмуш қуриш ниятим бор.

**Манзилим таҳририятда.**

**Л.**
**Тошкент шаҳри**

**Саҳифани Т. НОРИМОВ тайёрлади**

# БАРДОШ — БАХТИНГГА ЙЎЛДОШ

Одамнинг бошига нималар тушмайди, дейсиз. Кимёхон ая эрини суянган тоғим, деб биларди. Чунки эри билан бир ёстиққа бош қўйишганига йигирма тўрт йил бўлди. Саккиз фарзандли бўлишди. Мана, тўнғич қизлари Зулайҳога совчилар келишаяпти. Ҳадемай қудали бўлишади. Аммо бир йилдан буён Кимёхон аянинг юраги сиқиладиган бўлиб қолганди. Чунки эри ҳафталаб уйга қайтмайдиган одат чиқарди. Орқаворотдан суриштириб билдики, шаҳарга яқинроқ жойда, эридан ажрашган бир ҳамшира жувонни ўзига никоҳлаб олибди. Албатта уйдан барака қочди. Энг ёмони совчилар келган куни уйда эрининг йўқлиги чакки бўлди. Одамнинг ичида қандай ғурбат борлигини билиб бўлмас эканда.

Яхшиямки, Кимёхон аянинг онаси ҳаёт эдилар. У киши бир кам саксон ёшдалар. Ҳар келганларида қизининг кўнглини кўтариб, маслаҳат бериб кетади. Албатта сабр-бардошли бўлишни, эрига ёмон гап қилмасликни, болаларнинг кўнглини чўктирмасликни тайинлайди. Кечиримли бўлган одам, бошга тушган ҳар қандай мушкулотни ақл билан бартараф этади, юзи шувут бўлиб қолмайди, дейди.

Кимёхон ая онасининг насиҳатларига амал қилиб, эри уйга қайтганида қовоқ уймайди. Юраги чок-чокидан сўкилиб турган бўлсаям, эрининг остига дарҳол тўшак солиб, чой олиб келади. Ортиқча савол-сўроқ қилмайди. Лекин Абдусаттор кундан-кунга тўнини тескариб кийиб, мунофиқлик йўлига ўтиб олаётганди. Кимёхон ая сездики, эри у билан батамом орани очиқ қилиш ниятида экан. Албатта қариндош-уруғлар ўртага тушишди. Абдусатторга саккиз қизнинг тақдирини ўйлаш лозимлигини эслатишди. Бироқ Абдусатторнинг қаҳри баланд келиб, унинг оғзидан қалтис гап чиқиб кетди. Шу бўйи уйга ҳам қайтмади, фарзандларидан хабар ҳам олмади.

Тўғрисини айтганда, Кимёхон ая эрининг мунофиқлиги олдида аввалига эсанкираб қолди. Ҳайриятки, унинг бахтига саккиз қизнинг ҳаммаси эсли-ҳушли эди. Қариндош-уруғлар кўмаклашиб, катта қизи Зулайҳони узатишди. Абдусатторни тўйга айтишган эди, у келмади.

Нима қилсин, Кимёхон ая қирқ етти ёшида, бирор касбни эгалламаса бўлмаслигини тушунди. Аввалига қизлари билан манти тайёрлаб, шаҳарга олиб бориб сотиб юришди. Кечаси билан хамир ёйиб, манти тугиб чиқишади. Ҳарқалай инсофдан чиқмагани учунми, бир йил ўтиб-ўтмай алланча чўпкатлар оширишди. Тўй-тўкин қилганлар уларга буюртмалар ҳам бера бошлашди. Учинчи қизи Дилафрўз эса шаҳарга қатнаб юриб, қандолатчиликни ўрганиб олди. Дилафрўзнинг зеҳни баланд эканки, тез орадаёқ рақобатда устозидан ҳам олдинга ўтиб кетди...



Хуллас одам боласи бошида борини кўрар экан. Кимёхон ая саккиз қизнинг ҳаммасини узатди. Ўзининг айтишича, тош келса кемирди, сув келса симирди. Худога шукрки, ҳамма фарзандлари ўзига тинч. Бирontасининг рўзғори бузилмади. Аммо оғир меҳнат қилганданми, Кимёхон аянинг ўзи касалликка чалиниб қолди. У уч ойдан буён кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Қизлари унинг атрофида парвона. Навбати билан ҳар куни Кимёхон аяни парваришлаб туришибди. Куёвлари аяни олиб кетиб парвариш қилмоқчи бўлишса, у унамайди. Ўлиб-нетиб қолсам, "куёвникида қазо қилибди", деган гап бўлмасин, дея орият қилиб яшайди. Худди мана шу кунларда бирдан унинг эри пайдо бўлиб қолди. Қўни-қўшнилар Абдусатторга ақл кирибди, барибир от айланиб қозиғини топар экан, деган хаёлга боришганди. Йўқ, ундай бўлиб чиқмади. Абдусатторга уй керак экан. Қарангки, у йигирма тўрт йил бирга яшаган собиқ хотинини касал ётганини эшитиб, ўлиб-нетиб қолса, уй-жой куёвлари номига ўтиб кетиб қолмасин, деган ташвишда келибди. У остона олдида турган қизига эътибор ҳам бермай, ўкрайганича уйга кириб келди. Кимёхон ая ётган жойида собиқ эрининг совуқ турқига назар ташлаб, унинг нима дейишини кутиб турди. Абдусатторнинг биринчи айтган гапи шундай бўлди.

- Бу уйни мен қурганман. Сени уч-тўрт кунлик умринг қолибди. Мана, гўрковларни ҳақини олдиндан тўлаб, қабристон шайхидан чек ёздириб келдим. Куёвларинг гўрковларга чиқим қилмайди.

Шундай дея, Абдусаттор қўлидаги бир парча қоғозни Кимёхон аянинг ёстиғи остига қистириб қўйди. Кимёхон аянинг вужуди қалтираб, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Абдусаттор эса омборхонага чиқиб, нималарнидир тахлаб, саранжом-саришталай бошлади. Ҳозирда омборхона бўлиб турган бу уйда олдинроқ Кимёхон аянинг қайнонаси яшаган эди. Анча олдин уйнинг лой томи устига шифер териб қўйилган бўлиб, унда одам ҳам яшаса бўларди. Абдусаттор йўғон тўсинлар терилган бу уйнинг томини очиб, янгиламоқчи бўлганди. У ўтган-кетганга шундай жавоб қилибди: "Уйнинг томини янгилаб, анави уйдаги хотин ўладиган бўлса ҳовлини сал қимматроққа сотмоқчиман".

Абдусатторнинг қизлари эса онасининг ёнида, отасига ҳорманг ҳам деб қўйишмайди. Абдусаттор қоронғу тушгунча куймаланиб, кечки пайт шаҳар томонга кетиб юборади. Бу ҳовлида кундан-кунга асабийлик ортиб бораётганди. Маҳалла оқсоқоли келиб, Абдусатторни муросага чақирмоқчи бўлганди, у шундай жавоб қилди: "Бировнинг маслаҳатига муҳтож эмасман".

Худди ўша куни шаррос ёмғир қуйиб юборди. Кимёхон ая қизларини дуо қилиб ётарди. Унинг касали ҳийла оғирлашиб қолганди. Қизлари эса унинг кўнглини кўтариб, истаган таомини муҳайё қилишарди. Абдусаттор билан эса ҳеч кимнинг иши бўлмай, унинг шаҳар томонга йўл олганини ҳам, бирор жойга яшириниб, ёмғирнинг тинишини кутаётганини ҳам биров билмасди. Эртасига ҳам ёмғир тинмади. Кимёхон аянинг қизлари омборхона томонга ўтишмади. Фақат тўртинчи кунга келиб, ёмғир тингач, Дилафрўзнинг куёви тасодифан ўша томонга ўтиб, омборхонанинг очиқ эшигидан ичкарига мўралади-ю, сочи тикка бўлай деди. Томи чала очилган уйнинг токчасидан пастроқда кимдир кўзлари олайиб, деворга суянганича қотиб қолганди. Уйнинг оғир тўсини унинг бошига тушиб, деворга қапиштириб қўйганди. Дарров маҳалла оқсоқолини чақириб келишди. Маълум бўлдики, Абдусаттор пастдан туриб, уйнинг тўсинини ғўла ёрдамида сурмоқчи бўлганида, тўсин ғилдираб кетиб, унинг бошига тушганди.

Қаранг, Абдусаттор пулини тўлаб, собиқ хотини учун қаздириб қўйган қабри, унинг ўзига макон бўлди. Қишлоқдагилар: "Абдусаттор хотинни хўрлагани учун Тангри унга ана шундай жазо берди", дейишди.

Кимёхон ая эса батамом соғайиб кетди. Унинг онаси жуда тўғри айтган экан. Кечиримли одам бошига тушган ҳар қандай мушкулотни бардош билан бартараф этаркан. Тангри ҳеч қачон бардошли ва кечиримли одамнинг юзини шувут қилиб қўймас экан.

## ҚИССАДАН ҲИССА

# ЯХШИЛИК ЗИЙНАТИ

Шуҳратой бўй-басти келишган, полвонсифат қиз бўлди. У ҳар куни фермага қатнайди. Соғувчиликни шунақаям ҳаддини олганки, бир кун ишга бормайдиган бўлса, ўрни билиниб қолади. Соғувчилар: "Шуҳратойнинг билагида қуввати борда, бир ўзи тўрт кишининг ишини қилади", - дейишади. Унча-мунча эркак даст кўтара олмайдиган сут тўла бидонларни шартта машинага олиб қўяди. Ферма мудири бу "полвон" қизни мақтагани-мақтаган.

Яна шундайки, Шуҳратой фермага кетаётганда, ҳар куни Ширмонхон ая уйининг дарвозаси олдида турган бўлади. У Шуҳратойни келин қилишни жуда-жуда хоҳлайди. Аммо унинг невараси Шуҳратойдан бир ёш кичик экан. Шунақа бўлсаям, Ширмонхон ая умидини узмайди. Ҳар гал Шуҳратойни кўрганида, негадир бағри кенгайиб кетгандай бўлаверади. Дунёда Шуҳратойдан чиройли, ундан кўра содда-жўн, очиққўнгил одам йўққа ўхшайверади.

Шуҳратойнинг биттагина онаси бор, холос. Дадасининг оламдан ўтганига ўн йилча бўлди. Раҳматли дала-ю кетмондан бошқа нарсани билмайдиган оқкўнгил инсон эди. Онаси эса ёш бўла туриб, юрак ўйноғи касалига чалиниб қолди. Шу биттагина қизининг бахтини ўйлаб, орзу-ҳавас кўришни кутиб яшайди.

Шуҳратойнинг бир девор қўшниси Муҳаррам ая кунда, кунора қўшнисининг олдига чиқиб, унинг орзу-истакларидан воқиф бўлиб турарди. Шуҳратойга муносиб куёв чиқишини, тўйниям файзли ўтказишни биргаликда орзулашади. "Ишқилиб Шуҳратойнинг қадрига етадиган, камбағалроқ бўлсаям, имон-эътиқоди бутун йигит бўлсин. Бир этак неваралар чопқиллашиб юришсин". Иккаласи ана шуни орзулашади.

Қизнинг ризқ-насибаси қўшни қишлоққа туташган экан. Ўша ёқдан совчилар келишди. Йигит билан қиз бирбирларини кўришди. Тўй куни ҳам белгиланди. Бироқ тўйга бир кун қолганида, Шуҳратойнинг аясини юрак хуружи қайталаниб, касалхонага тушиб қолди. Лекин, тўйни тўхтатмай, қўни-қўшнилар кузатадиган бўлишди. Муҳаррам ая тўйнинг бошида турди. Ҳамма борди-келдилар бекаму-кўст бўлди. Аммо тўйдан кейин ўн кун ўтар-ўтмас, Шуҳратойнинг аяси бандаликни бажо келтирди. Дафн маросимида ҳам Муҳаррам ая бош бўлиб турди. Куёв йигит ҳам имон-эътиқодли экан. Маърака-маросимлар ҳам рисоладагидек ўтказилди.

У борган оилага жуда мос тушди. Орадан ўн йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, улар тўрт фарзандли бўлишди. Қиз Муҳаррам аянинг барча яхшиликларини дилига тугиб қўйган. Унинг яхшиликларини қачон қайтарар эканман, деб ўйлагани-ўйлаган. Лекин қандай яхшилик қилишини ҳам билмайди. Кунларнинг бирида у она эшигига келиб, ҳовлини супуриб-сидиришдан олдин Муҳаррам аядан хабар олиб, раҳмат айтиб қўймоқчи бўлибди. Муҳаррам ая Шуҳратойни кўриб хурсанд бўлиб кетибди.

- Ўзингга тинчмисан қизим? - дебди у. - Болаларинг ҳам соғ-омонми?

- Худога шукр, хола, - жавоб берди у. - Сизнинг яхшиликларингизни ҳеч уза олмаяпман-да.

- Унақа дема қизим, таъкидлади Муҳаррам ая. - Мендан ҳеч қандай қарзинг қолмади. Ҳаммасини ўн карра қилиб қайтариб бўлдинг.

- Ҳеч нима қилганим йўқ-ку, хола, - тааажжубланди қизгина.

- Яна нима қилишинг керак. Ҳар доим менга яхшилик қилишни юрагингга тугиб юрибсан-ку, шундайми?

- Шундай!

- Сени истагинг юракда бўлгани учун ҳар куни Оллоҳга етиб бораяпти. Тангри менга беминнат яхшилик эшигини очиб қўяяпти.

- Қанақасига?

- Шунақасига. Ўйлаб кўрсам, ўн йилдан буён оиламизда ҳеч биримиз касал бўлмабмиз. Қизим ўз билими билан ўқишга кириб, битирди. Таваккал қилиб сотиб олган сигиримиз серсут чиқди. Ўтган йилги қишда қишлоқда кўпчиликнинг анжиру анорини совуқ уриб, қуриб қолди. Тоғанг ҳафсала билан анорларни кўмган эди, қуримай сақланиб қолди. Катта ўғлим учта қиздан кейин, учта ўғил кўрди... Оллоҳнинг шунақа ваъдаси бор экан. Бировга битта беминнат яхшилик қилган одамга, ҳар куни ўнта яхшилигини ёғдириб тураркан. Аслида мен сенга раҳмат айтишим керак, қизим.

Шуҳратой Муҳаррам аянинг бағри кенглигига лол қолиб, энтикди.

**Комилжон НИШОНОВ**
**Андижон шаҳри**

# Дугонамни йўқотдим...



Дугонамнинг ишхонаси уйимга яқин эди. Мен уйда бўлган пайтларимда у баъзан тушлик қилгани кирар, бирга ҳасратлашиб ўтирардик. Ишдан қайтаётганимда йўлимни пойлаб турарди. У менга ота-онаси оламдан ўтиб кетишганини айтган, унга меҳрибонлик қилгим келарди. Ишларига ҳам қўлимдан келганча ёрдам берардим. Биз ҳатто кечқурунлари болалар ухлаганда ҳам телефонда гаплашиб ўтирар, бир-биримизга ўрганиб қолган эдик.

У ўтириш, зиёфатларни яхши кўрар, мен буни унинг кўнгли яримлигига йўйиб, бундан бошқача маъно изламас эдим. Зиёфат ё ўтириш режасидан сўз очса, бир томонига қарашиб юборар эдим, "дугонамга ёрдам бўлсин, кўнгли кўтарилсин", деб ўйлардим. Зиёфатларида йигитларнинг иштирок этишига ҳам ёмон назар билан қарамасдим, ҳар ҳолда бир идоранинг хизматини қилишгани учун бир-бирлари билан иноқ бўлишса керак, деб ўйлардим.

Зиёфатлардан бири менинг дам олиш кунимга тўғри келди-ю, қатнашиб, анча ҳайрон бўлдим. "Фалончининг туғилган куни" деб одам йиғилган зиёфат, аслида туғилган кун эмас, шунчаки кўнгил ёзиш учун ташкил этилган ўтириш экан. Мени ҳайрон қилган нарса рақс пайтида чироқнинг ўчириб қўйилиши бўлди. Бунга, афтидан, ҳамма ўрганиб қолган шекилли, мен чироқни ёқиб қўйсам, қайтадан ўчиришди.

Зиёфат тугаб, ҳамма тарқалганда, дугонамнинг кўнгли ёзилмаган, аксинча, тепа сочи тикка бўлиб кетган эди. "Неъматжонни мен чақиргандим, Манзура эса уни эгаллаб олиб, фақат ўша билан вальсга тушди. Вальс музикаларини кассетага ёздириб келган - мен, маза қилиб вальсга тушган Манзура бўлди", - дерди дугонам куйиб-пишганча. Мен Манзурани ҳам, Неъматжонни ҳам танимаганим учун ҳеч нарса дея олмадим. Дугонам уйга кетиш олдидан кийимларини ўзгартириб, сумкасидан бошқа кийимлар олиб кия бошлади. Уйига қўнғироқ қилиб, эрига "мажлис бўлиб қолди, шунга кеч қолдим" деб ёлғон гапирди. Шунча одамнинг ёнида эрини лақиллатгани менга ёқмади. Шериклари эса унинг устидан кулиб, аския қилганча тарқалишди.

Мен дугонамга эрини ҳаммага кулги қилиш унга ярашмаслигини айтдим. У эса, "агар мажлис бўлди, деб айтмасам, эрим мени уради, калтагидан безиб кетганим учун ҳар куни алдайман", деди.

- Эрингизни алдаб, ҳаммага аския қилиб, уюштирган ўтиришингизда ҳам дилингиз яйрамайди-ку, нима кераги бор бунақа бемаъни ўтиришлар? - десам, дугонам:

- Ҳар ҳолда ўйнаб-кулганим қолади, - деб жавоб берди. Лекин шу кундан бошлаб мен унинг уйига қўнғироқ қилмай қўйдим. Хаёлимда, агар телефон қилсам, гўшакни эри олиб: "Ўша куни мажлисда бирга ўтирганмисизлар?" - деб сўраса, қандай жавоб қайтаришни ўйлаб хижолат бўлардим.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас дугонам яна янги зиёфат режаси ҳақида сўз очиб қолди.

- Энди Манзурани чақирмаймиз, телефон қилсам, Неъматжон шундай деб айтди. Бу сафар ўзи ҳам келолмас экан. Унинг ўрнига Қаюмни чақираман, уйимга икки кило банан киритиб юборибди, - деди у.

Бу сафар мен ҳам кела олмаслигимни айтдим. Ўтган зиёфатлардаги "состав" нега тез-тез ўзгариб туришини тушунгандек бўлдим. Чунки, Алишер, Ҳосилбек, Аҳмаджон деган одамларга қўнғироқ қилишларини, улар эса турли важлар билан келмаслигини дугонам ва унинг шериклари суҳбатида эшитиб турардим. Дугонамга, аччиқ бўлса ҳам, аёл кишининг зиёфат уюштириб, унга эркакларни таклиф қилиши умуман мантиққа зид эканини айтдим. Лекин уни ўтиришлардан қайтара олмадим.

Бир куни уни кўчада учратиб қолдим. У шу маҳалладаги бир опахонда иши борлигини айтди ва биз бирга шу хонадонга кирдик. Опахонга дугонам "иш"ини айтганда чўчиб кетдим: у "илму амал" ёрдамида эрини Россияга жўнатиши кераклигини, бир эркакни ( у бировнинг эри) ўз ёнига чақиртириб, "севдириб, ҳар куни келадиган" қилиб беришларини, ҳар қанақа тўловга рози эканлигини айтганди, зарур ишим борлигини айтиб шошилиб чиқиб кетдим-у, бошқа шу дугонамни кўришга тоқатим қолмади.

Ахир бир ёстиққа бош қўйиб, 3 фарзандни бирга тарбиялаётган эрига шу ишни раво кўрса, дўст бўлиб менга нима каромат кўрсатарди?! Ўз эрига вафо қилмаган аёл, дўсти ё дугонасига садоқат сақлаши мумкинми?

Шу кундан бошлаб уни йўқламай, у бор жойга кирмай қўйдим, кўнглим уни тортмай қўйди. Шу тариқа, мен дугонамни, ҳасратдошимни йўқотдим...

Қайси куни унинг фарзандини кўриб қолдим. Бола менга дадаси Россияга кетганини, ўзи роса зерикаётганини, онасининг иши кўпайиб кечалари мажлисларда қолиб кетаётганини айтиб, кўзига ёш олганида, алланечук бўлиб кетдим. Нега одамлар ҳар қандай бўлса ҳам "ўйнаб олиш", "яшаб олиш"га ошиқадиган бўлиб қолишди? ("одамлар" деганда айрим енгилтабиат кимсаларни назарда тутдим) Ўз жуфти ҳалолини узоқларга жўнатиб, бегонанинг висолига шошилган аёл, агар турмуш ўртоғи ҳеч нарсадан хабар топмаган тақдирда ҳам, ўз ёстиқдошини қанчалар иснодга қолдирганини ўйламасмикин? Ўша бегона эркак уни ҳурмат қилиши мумкинми?

Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, лекин мен дугонамни бир умрга йўқотдим. Уни бу йўлдан қайтариш менинг қўлимдан келмасди. Чунки у "ёшлигимда ўйнаб олишим керак, яна 5-6 йилдан кейин кеч бўлади", деган. Балки, у ҳақдир. Балки ундан юз ўгириб нотўғри қилгандирман. Ундан шунчалар кўнглимни совутган бу иш менга тааллуқли эмас-ку... Бунга юртдошларим қандай муносабат билдиришар экан? Балки менинг изтиробларим ўринсиздир... Ахир дугонам мени ўйлагани ҳам йўқ, ўзи айтганидек, ўйнаб-кулиб яшаяпти...

**Ирода,**
**Фарғона.**

Дил изҳори

# Очилмай сўлган гулим...

Ёшим 20 да. Оилада 9 фарзанднинг кенжатой қизиман. Бизнинг оила қишлоғимизнинг аҳил-иноқ оилаларидан бири саналади. Мен ҳам шу оилада ўсиб улғайдим. Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Орзуим ўқишга кириб, келажакда шифокор бўлмоқчи эдим. Лекин афсус, орзуим амалга ошмади. Бунга сабабчи ёлғиз ўзим. Мен мактабда ўқиб юрган кезларимда йигитларга унча парво қилмасдим. Севги мен учун бўлмағур нарса эди. Синфимизда қиз-йигитлар бир-бировини севса устидан кулар эдим. Лекин бу савдо ўзимнинг ҳам бошимга тушиб, бу қадар кулфатлар келтиришини тасаввуримга ҳам сиғдиролмасдим.

...Қиш фаслининг январ ойи эди. Янги йил мен учун "севги" деб аталмиш буюк туйғуни олиб келди. Мен ўша пайтда 16 ёшда эдим. Дарс тугаб қўнғироқ чалинди. Ҳаммамиз мактаб ҳовлисига чиқиб қорбўрон ўйнаётган эдик. "Б" синф ўқувчилари ҳам чиқиб, бизга қўшилишди. Улар орасидан биздан 4 уй нарида яшайдиган Илёс исмли бола менга кўпроқ эътибор бераётганини пайқаб қолдим. Мен эса ўзимни парво қилмаётгандай тутдим. Шунда у менга: " Мунис, сенга айтадиган муҳим гапим бор. Илтимос, дарсдан сўнг уйингга кетиб қолма, уйингга ўзим кузатаман, шунда айтаман", - деди. Мен ҳам рози бўлдим. Дарслар тугаб, биз бирга уйга кетдик. Йўлда у менга севги изҳор қилди. Аввалига ғалати аҳволга тушдим, сўнг уни уришиб, кетиб қолдим. Аммо уйга келгач, унинг гаплари хаёлимдан чиқмади. Шу-шу фикру ўйим "У" бўлиб қолди. Ўзим билмаган ҳолда унга боғланиб қолдим. Қизлар: "Мунис, бизнинг устимиздан кулардинг, мана ўзинг ҳам девона бўлиб юрибсан-ку", - дея роса мени "чўқийдиган" бўлишди. Бу гаплар эса менга завқ берарди. Шундай гўзал кунларнинг бирида севгимиздан уйдагиларим хабардор бўлишди. Энг ёмони - бизнинг ота-оналаримиз бир-бировига душман эди. Акаларим эса у билан муносабатимизни билгач, уни тутиб олиб уришди. Менга эса: "Яна у билан учрашсанг, биздан яхшилик кутма", - дейишди. Севги одамни кўзини кўр, қулоғини кар қиларди, деганларидек мен уларга парво қилмасдан Илёс билан яна учрашиб юрдим. Илёс ҳар сафар: "Мунис, биз албатта турмуш қурамиз ва оталаримиз ярашишади", - дерди. Шу зайлда 11-синфга ҳам ўтдик. Яна қишнинг узун тунларининг бирида иккаламиз гаплашиб турганимизни акам кўриб қолди ва иккимизни уйга олиб кирди. Унга бир мушт туширган эди. Оғзи-бурни қонга беланди. Унга раҳмим келса-да, олдига боролмасдим, ҳимоя қилолмасдим. Алам қиладигани шуки, Илёс ҳамма айбни менга тўнкаб , югуриб чиқиб кетди. Шундан сўнг уйдагилар мени мактабга қўйишмади. Ҳатто кўчага чиқишга ҳам рухсат беришмади...

Кунлар шу зайлда ўтиб бораверди. Аммо янги йил кечаси дугонам келиб, мени кўчада сайр қилиш учун таклиф қилди. Уйдагиларга сездирмай дугонам билан кўчага чиқдим. Чунки уйдагилар байрам хурсандчилиги билан овора эдилар... Биз кўчада юрганимизда Илёсга дуч келиб қолдик. Шунда у менга: "Гаплашиб олишимиз керак", - деди. Мен рози бўлдим, чунки уни жуда соғингандим. У менга дабдурустдан: «Мунис, рози бўлсанг, мен сени "ўзимники" қиламан. Шунда ҳеч ким бизга қаршилик қилолмайди", - деди. Унинг бу гапини эшитиб, қотиб қолдим. Аччиғимдан юзига тарсаки тушириб юбордим. У менга: "Шу бир тарсаки билан кўнглинг тинчидими?" - деди-да, мени ўзига тортиб маҳкам қучоқлаб олди. Мен зўрға қочиб қутулдим. Бу ҳолни қўшниларимиз кўриб қолишди. Эртасигаёқ қишлоқда гап-сўз бўлдик. Биз гаплашмай қўйдик.

Ниҳоят мактабни ҳам битирдим. У ўқишга кетди. Илёс ўқиш давомида ёмон йигитларга қўшилиб, кўп қизларнинг номини бадном қилганини эшитиб қолдим. Бу хабардан қанчалик қийналмай, барибир уни севардим, у менинг биринчи муҳаббатим эди. Унинг бу қилмишларидан хабар топган отаси ўқишини ҳам йиғиштириб, уни уйига қайтариб олиб келди.

У яна мени учрашувга таклиф қилди, мен рози бўлмадим... Яқинда уни бир қизга унаштириб қўйишди. Бу хабарни эшитиб устимдан бир челак сув қуйгандек бўлди. Шундан бери ўзим эмас, соям юргандек, тирик мурдага айландим. Мен севгимни бир умрга йўқотдим. Ахир уни жуда-жуда севардим-да. Қандай чидайман бу кунга, билмайман. Бундан кейин бошқа инсонни сева оламанми, йўқми, худога аён. Уни ҳеч қачон унутолмайман. Умуман ҳаётдан, яшашдан кўнглим совиди, тўйдан сўнг хотини билан бирга кўрсам, мен нима қиламан, қай аҳволга тушаман. Ҳозир ҳам уни ҳар кўрганимда, оёғим ердан узилаётгандек бўлади. Юрагим фақат унинг исмини такрорлайди...

*Азиз юртдошлар, менга маслаҳат беринглар, мен нима қилай?*

**Мунис,**
**Бухоро вилояти.**

# ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

**Қадимги ҳиндлар уч минг йиллар олдин саримсоқ пиёзни табиатнинг мўъжизаси, деб атаган экан. Чиндан ҳам шифо бахш бу ўсимлик таркибида углеводлар, оқсил, ёғ, шакар, эфир мойи, шунингдек, жуда кўп миқдорда организмни фаоллаштирувчи қўшимчалар бор.**



## ХАСТАЛИКЛАР КУШАНДАСИ

Ўзининг ноёб таркибига кўра саримсоқпиёз халқ табобатида жуда кенг қўлланилади. У билан хотиранинг пасайиши ва камқонлик даволанади. Саримсоқ пиёз қондаги ёғ миқдорини камайтириб, юрак хасталикларининг олдини олади. Шунингдек, миядаги қон айланишни ҳам яхшилаб юрак-томир касаллигига фойда беради. Саримсоқ пиёз ва ундан тайёрланган дори-дармонлар оғриқни қолдириб, сийдикни ҳайдайди ва терлатади. Унинг яна бир фойдали томони шундаки у тананинг турли касалликларга чидамлилигини оширади. Саримсоқ пиёз турли микробларга қирон келтиргани учун грипп эпидемияси бошланганда шифокорлар ундан кўпроқ ейишни тавсия этишади. У қондаги қанд миқдорини камайтириб, жиғарни касалланишдан сақлайди. Ошқозонда кислоталилик ошиб кетганда, тери касалиги, овқат ҳазм қилиш ва танада йиғилиб қолган тузларни эритишда ёрдами беқиёсдир. Маълумотларга қараганда саримсоқпиёзни жуда кўп истеъмол қилувчи ҳудудда яшайдиган одамлар саратон хасталигига кам мубтало бўлишаркан. Саримсоқ пиёзда тетиклаштирувчи ва меъёрлаштирувчи моддалар борлиги учун оғир жисмоний меҳнатдан сўнг чарчоқни тез қолдиради.

**Камқонликда:** 300 гр. саримсоқ пиёзнинг тозаланган бўлакларини 2 литрли банкага солиб, устидан бир литр спирт қуйсиз-да уч ҳафта сақлайсиз. Сўнг, ҳар куни уч маҳал 20 томчидан сутга томизиб истеъмол қилинади.

**Юқумли ичак касалликларида:** Саримсоқ пиёз суви ҳар куни 20 томчидан ичилади.

**Бавосил касаллигида:** Челакка қиздирилган ғиштни қўйсиз-да, устига 5 дона саримсоқ пиёз бўлагини соласиз. У димланиб тутай бошлаганда челакнинг устига ўтириб "тутунли ванна" қабул қиласиз.

**Хотирангиз сусайганда:** Шиша банкага гўшт майдалагичдан чиқарилган учта йирик саримсоқ пиёз бошини ва 3 дона лимонни пўсти билан соласиз. Унинг устига эса 1,5 литр қайнатилиб совутилган сув қуясиз. Идишни яхшилаб ўрагангиздан кейин бир сутка сақлайсиз-да, кейин эса музлатгичга қўясиз. Кунига овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан истеъмол қиласиз.

**Қон босими ошганда:** Ҳар куни эрталабки нонушта ва тушлик пайтида 2-3 бўлак саримсоқпиёз есангиз қон босимингиз ҳар доим меъёрида бўлади.

**Стенокардияда:** Беш бош саримсоқпиёзни ювиб, тозалаб гўшт майдалагичдан ўтказинг. Ҳосил бўлган бўтқага 10 дона лимоннинг сувини сиқиб қўшиб, бир литр асал билан аралаштиринг. Ҳаммасини яхшилаб аралаштириб шиша идишга солинг-да, устини қопқоқ билан маҳкамланг. Кейин ҳар куни 4 чой қошиқдан қатъий режим асосида истеъмол қиласиз. Уни яхшилаб чайнаб, аста-секинлик билан ютиш керак, ҳар бир луқмани ютганингизлан кейин бир минутдан пауза қиласиз.

**Зиқнафаслик ва ўпка йиринглаганда:** 3-4 бўлак саримсоқ пиёзнинг сувини сиқиб олиб, 3/4 миқдоридаги новокаин билан аралаштириб олинган массадан ингаляция сифатида фойдаланиш керак. Даволаш муддати 10-15 марта.

**Юқори нафас йўллари шамоллаганда:** 1/2чой қошиқ майдаланган саримсоқ пиёз устига 1/2 миқдорида қайнатилган сув қуйиб 5 минут паст оловда қайнатиб олганингиздан кейин, хона ҳароратида 45 минут турсин. Кейин яхшилаб сузиб олиб, кунига ҳар беш соатда ярим стакандан бир кунда 3 маҳалдан ичинг.

**Томоқ оғриганда:** саримсоқ пиёз бўлагини майда қирғичдан чиқаринг ёки махсус майдалагичда эзинг. Ҳосил бўлган массани 1/2 стакан қайноқ сув билан аралаштиринг 6 соат турганидан кейин сузиб олиб томоғингизни чайқашда ишлатишингиз мумкин.

**Гриппнинг олдини олишда ва қаттиқ тумовда:** Беш бўлак майдаланган саримсоқ пиёзни сурп сочиққа ўраб, чойнакка солиб қопқоғини ёпинг-да, жўмрак орқали ҳар бир бурун тешиги орқали чуқур-чуқур нафас олинг.

**Микроблар билан курашганда:** Кўпчиликнинг ошқозон ичагида жуда кўп миқдорда фойдали ва зарарли микроблар яшайди. Уларнинг орасида оғриқ берувчи қуртлар-гижжалар (гельмена) ҳам учрайди. Вақти-вақти билан улардан ичакларни тозалаб туриш зарур. Бунинг учун кунига икки бўлак саримсоқ пиёз бўлагини ейиш тавсия этилади. Яъни икки ҳафта давомида ҳар куни эрталаб оч қоринга, овқатланишдан бир соат олдин бир бўлак саримсоқ пиёз шошмасдан яхшилаб чайнаб ейиш керак. Саримсоқпиёзнинг ҳеч қачон бутунлигича юта кўрманг. Уни албатта чайнаб, сув билан ичиш ёки ейиш зарур. Иккинчи бўлакни эса кечқурунги овқатдан 2 соат ўтгач истеъмол қиласиз.

Саримсоқ пиёз ичаклардаги қуртларни ўлдириб, ҳосил бўлган яраларни даволайди.

Бу муолажа бошланган пайтда юрак бир оз тез уриши мумкин, лекин бундай ҳолат тезда ўтиб кетади.

**Соч тўкилишига қарши:** Бир дона қизил қалампирни майдалаб, устига 100 гр. арақ қуйинг-да, бир ҳафта



қоронғу жойда сақланг. Кейин тоза ва қуруқ сочларингизга уч кун давомида кечаси суртиб ётинг. Бошни ўраб ётиш шарт эмас. Кейин сочингизни яхшилаб ювиб, қуритинг. Уч кундан сўнг яна шу муолажани қайтаринг.

Шундан кейин эса бир ҳафта давомида ҳар куни кечқурун яхшилаб ювилган бош терингизга саримсоқ пиёз суриб ётинг. У бир оз ачиштириши мумкин.

Бу муолажадан сўнг сочнинг тўкилиши тўхтаб, ҳатто қуюқлашади.

**Саримсоқ пиёзли кўкат:** Бир бош саримсоқпиёз 1/4 стакан миқдорида майдаланган кўкат, 3/4 стакан олма ёки вино сиркаси, таъбга қараб туз, шакар лозим.

Саримсоқ пиёзни тозалаб, майдаланг. Сўнг устига озроқ туз ва шакар сепиб массага айлангунча эзинг. Майдаланган шивит, кашнич қўшиб, сирка билан аралаштиринг.

Уни кабоб, чучвара, шунингдек пиширилган сабзавотлар устига сепсангиз янада хушхўр бўлади.

**Басира тайёрлади**

## СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

# ҲАЁТ ТАРЗИНИ ТЎҒРИ ЮРИТИНГ

Тиббиёт олимлари фикрича, ич қотиш-яъни ичнинг юришмаслиги кўпроқ ошқозон-ичак фаолиятидаги хасталиклар - қориндаги санчиқ, шамоллаш, ҳар хил шишлар (саратон хасталиги), бавосил оқибатида ҳам содир бўлади. Пала-партиш овқатланиш, овқатни тез еб, чайнамасдан ютиш ёки вақтида овқатланмаслик ҳам ошқозон ичаклар торайиб кетишига ҳамда фаолияти бузилишига сабаб бўлади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилса, овқат ҳазми қийин кечади ва ичаклардан ўтиши қийинлашади. Бундай ҳолат суюқликлар кам истеъмол қилиниши оқибатида ҳам юз бериши мумкин. Ҳатто кам ҳаракатда бўлиш, қаттиқ асабийлашиш, спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, чекиш ҳам ичаклар фаолиятини бузади.

Қабзиятдан қийналаётганлар учун қуйидаги муолажаларни тавсия этарканмиз, энг аввал ўз шифокорингиз қабулида бўлишни маслаҳат берамиз.

Қабзиятдан қутулишнинг энг яхши воситаси бу полиз экинларидан тайёрланган озиқ-овқатлар ва кўкатларни истеъмол қилишдир. Кунига бир марта гўштлик овқат истеъмол қилиб, қолган пайтларда балиқ, полиз экинлари, кўкатлар, гречиха, сули ва арпа ёрмаси, нўхат, ловиядан тайёрланган овқатлардан истеъмол қилиш лозим. Бунда фақат ўсимлик мойидан фойдаланган маъқул. Агар бу озиқ-овқатларга ҳар хил салатларни, ҳўл мева ва шарбатларни қўшиб истеъмол қилсангиз, куч-қувватингиз ва соғлиғингиз жойида бўлади. Кундалик озиқ-овқатлар таркибини қуйидагича тузишингиз мумкин:

1. Қайнатилган лавлаги, кўк нўхат, қайнатилган ловия ва олма;
2. Янги узилган карам, бодиринг, помидор, қайнатилган ловия ва тухум;
3. Балиқ гўшти, олма ва ёнғоқ;
4. Сабзи, мева, қуритилган ўрик ва анжирнинг ивитилгани ва булғор қалампири;
5. Сабзи, карам, қайнатилган қовоқ, майиз ва пишлоқ;
6. Қўзиқорин, картошка, қайнатилган балиқ ва тузланган бодиринг.

Булардан ташқари ҳар куни янги ивитилган сузма ва қатиқ ҳам жуда фойдали. Айниқса, эрталаб овқатдан ярим соат олдин бир стакан сузма ичсангиз ошқозон-ичак фаолиятига яхшилайди. Қайнатиб совутилган сувда бир ош қошиқ асални эритиб ичиш (агар аллергиянгиз бўлмаса) яхши фойда қилади. Шунингдек қайнатилган сули ёрмаси, ёнғоқ ва қирғичдан ўтказилган сабзи ҳам фойдадир.

Қуритилган анжир, ўрикни ивитиб, олма ва қайнатилган лавлагига қўшиб, устидан бир неча қошиқ асал аралаштириб ҳам истеъмол қилиш мумкин.

Яна бир яхши восита ҳўл қаролидан истеъмол қилишдир. Қуритилган қаролининг бир неча донасини идишга солиб устидан қайноқ сув солиб бир неча соат дамлаб қўйсангиз жуда хуштаъм шарбат пайдо бўлади. Бу шарбат ҳам ич фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга.

Ёз кунлари саримсоқ пиёз, қовоқ, шолғом, тарвуз, қора смородина, клубника, хом картошканинг шарбати, карам ва ҳоказолардан истаганингизча тановвул қилинг.

Тажрибада синалган тавсиялардан яна бири - бу қорин қисмини уқалашдир. Бунинг учун чалқанча ётиб бутун танани бўш қўйган ҳолда қорин бармоқлар билан уқаланади. Уқалаш соат стрелкаси йўналишида 10-15 дақиқа амалга оширилади.

Агар юқоридаги муолажалар ҳам фойда бермаса қуйидаги амалларни бажаринг:

1. Глицерин, облепиха ёғидан тампон тайёрлаб, кечқурун ухлашга ётишдан олдин орқага тиқиб ётиш;
2. Қайнатилиб тана ҳароратигача совутилган сувга 1-2 ош қошиқ ўсимлик мойи ва озроқ кир совундан аралаштириб клизма қилинг. Лекин, клизмага ўрганиб қолмасликка ҳаракат қилинг.

**Лола АҲМЕДОВА тайёрлади.**

# РАДИКУЛИТ НИМА?

Радикулит бу орқа мия асаб илдизларининг яллиғланишидир. Ҳозирги замон тушунчаси бўйича, радикулитни - мотор ва вегетатив бузилишлардир, деса ҳам бўлади. Улар умуртқа поғонаси остеохондрозидан келиб чиқиб орқа мия асаб илдизларининг яллиғланишига олиб келади. Оғриқ пайдо бўлишининг бевосита сабаби - бу оғир юк кўтариш, қўпол ҳаракат, шамоллаш, салбий ҳаяжон ва инфекциялардир.

Оғриқ синдромида остеохондроз, илдизларнинг қисилиши, мускул ва бўғинлардаги нейродистрофик ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди.

Радикулитлар бўйин, кўкрак ва бел-думғазадаги турларга бўлинади.

1. Бўйин радикулити-бўйин ва бўйин мускулларига зўр бериши мумкин. Оғриқ баъзан қўлга, кўкрак суягига, кўкрак қафасининг олд юзасига тарқалади. Оғриқ йўталдан ва бошнинг ҳаракатидан кучаяди ва кўпроқ елкада бўлади. Билак ва панжада эса кечаси ва фаол ҳаракат қилинганда кучаяди.

2. Кўкрак радикулитида-кўкрак қафаси ва қорин баландлигида ўраб олувчи оғриқ пайдо бўлади.

3. Бел-думғаза радикулитида эса оғриқ белдан бошланади. Кейин оёкка тарқалади. Одатда қуймич, сон асаб йўли, яъни, оёқнинг олди ёки орқа юзалари бўйига, белига зўр бериши, оёқ увишиб қолиб, фаол ҳаракатнинг чегараланиши ҳам мавжуд.

Радикулит пайдо бўлганда вақтида текшириш ўтказиш керак.

Даволаш жараёни комплекс бўлиб беморни азоб берадиган оғриқлардан қутулишига ва ҳаракатнинг чегаралашига қаратилмоғи керак. Ундан ташқари даволаш илдиз оғриқларни чиқарган сабабларни таъсир қилишига қаратилиши керак.

*"UMID VA ISHONCH"* тиббий марказида радикулитни муваффақиятли даволаш учун ҳамма керакли шароитлар яратилган.

***Ҳурматли мухлислар! «Оила ва жамият» газетаси обуначилари учун (квитанция кўрсатилгач) ушбу марказ шифокорлари бир марталик бепул ташхис қўйиб берадилар ва даволаш ҳақи арзонлаштирилади.***

**Малика ЮЛДАШЕВА, "UMID VA ISHONCH" шифокор-невропатологи**

# ДИҚҚАТ: БЎЙИН

**Чайир, бежирим, мафтункор... Агар бўйнингиз шундай бетакрор бўлса, ёзги ёқаси очиқ кўйлак айнан сизга мўлжалланган. Агар бўйнингиз сиз истагандек бўлмаса-чи?**

**Бўйнингизни енгил шарф билан беркитишга ёки баланд ёқали кофта кийишга ошиқманг! Бўйнингиз оққушникидек бўлиши учун бир оз ҳаракат қилсангиз бас.**




## ТИНИМИ ЙЎҚ АЪЗО

Бўйинимиз доимо ҳаракатда бўлгани учун оддийгина қилиб “тинимсиз” аъзо дейиш ҳам мумкин. Бўйиннинг очиқ, айниқса кўкрак қисми жуда таъсирчан ва нозик бўлиб, териси остида ёғ ишлаб чиқувчи безлар кам жойлашган.

Ингичка ва узун бўйинда юзнинг ҳам бир қисмини ўз ичига олувчи мушаклар жойлашган. Гапирганда, бошимизни ўнгга-чапга айлантирганда ҳам хуллас, бутун ҳаракат бўйнимизнинг зиммасига тушади.

Ёшимиз ўтгани сайин, ҳар қандай чайир мушаклар ҳам бўшаша бошлайди. Бўйин эса танамиздаги очиқ ва тез кўзга ташланиб турадиган жойдир. У кўп ҳаракатда бўлгани боис бошқа аъзоларимизга қараганда анча тезроқ қарийди. Тери шалвираб, лабларнинг чети осилиб қолади.

Тан олишимиз керакки, биз бўйнимизга камдан-кам эътибор қаратамиз. **25 ёшимиздаёқ бўйнимизга илк ажинлар тушиб,** териси бўшашиб осила бошлайди. Бунинг оқибатида эса бақбақа пайдо бўлади.

Бунинг олдини олиш, муқаррар қарилик билан курашиш қийин бўлса-да, иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Бўйинни оққушникидек гўзал ва бетакрор қилиш мумкин! Аммо, бу сиздан узоқ ва заҳматли меҳнат қилишингизни талаб қилади. Шунга тайёрмисиз? Бу заҳматга тайёр бўлсангиз, унда ёдингизда бўлсин. Сиз бу инжиқ, парваришталаб аъзоингизга кунига эътибор қаратишни унутманг. Уни парвариш қилишда учта асосий қоидага амал қилинг.

### Жозибали одатлар

■ Ёшлигингиздан бошингизни баланд кўтариб юришга одатланинг.

■ Юрганингизда букчайманг.

■ Ётиб ўқиманг.

■ Баланд ёстиқда ухламанг. Иложи бўлса, ёстиқсиз ётганингиз маъқул. Ёстиқсиз ёта олмасангиз, салгина баланд бўлсин.

■ Албатта сийнабанд тақиб юринг. Сийнабандсиз мускуллар таранглашади, дейишгани бекор гап. Аксинча, кўкрагингиз териси билан чўзилиб, осилиб қолади.

■ Шунингдек, сийнабанднинг ўлчамига ҳам эътибор беринг. Тор сийнабанд бўйин ва кўкракни зўриқтириб юборади ва қаришини тезлаштиради.

■ Қуёш - бўйиннинг ашаддий ғанимидир. Қуёш нури терини қуритиб, ажинлар пайдо бўлишига олиб келади.

■ Бўйин ва кўкракларга суриладиган кремларни ёзда нафақат чўмилишга борганда, балки, дала ҳовлига, ишга кетаётганингизда ҳам мўл-кўл қилиб суриб олинг.

■ Қуёшнинг тиғи остида бўйнингизни очиб юрманг.

### Бўйинни совунлаймиз

■ Ҳар куни ювининг! Бунда энг яхшиси хушбўй совун ёки юз ювишда ишлатиладиган махсус воситалардан фойдаланиш лозим.

■ Совунланган бўйинни юмшоқ чўткачада ёки бармоқларингизнинг учи билан айлана ҳаракатлар билан пастдан тепага қараб енгил уқалаб чиқинг.

■ Кўкрак ва бўйин терисини кўпиртирилган совун билан ювганингиздан кейин, лимон қўшилган сув билан чайинг.

■ Агар юз терингиз жуда қуруқ ва бўшашиб қолганлиги яққол кўриниб турса, косметик қаймоқ («сливки») ёки сут («молочко») билан тозаланг.

■ Душ қабул қилаётганингизда муздек сув бўйнингизнинг ҳамма томонидан бир маромда қуйилиши керак. **Бу қон айланишини тезлаштиради.**

### Озиқлантириш

■ Бўйин терисини тозалаганингиздан сўнг, кремдан суриб чиқинг. У ёғли ва сўрилувчан бўлиши, таркибига юмшатувчи ва озиқлантирувчи ўтлар қўшилган бўлиши керак. Бу теридаги намликни меъёрлаштириб, **терининг ҳимоясини кучайтиради.**

■ Танлаган кремингиздан бир оз олиб кафтингизга ишқаланг. Бошингизни ортга ташлаб ўнг қўлингиз билан бўйнингизнинг чап томонига, чап қўлингиз билан эса ўнг томонингизга айлана ҳаракатлар билан суриб чиқинг. Қўлингиз пастдан юқорига, кўкракдан энгагингизга қараб ҳаракатда бўлсин. Крем сурилгандан кейин кафтингизнинг усти билан бўйинни ва унинг ёнларини **10-15 дақиқа давомида уқалаш,** бармоқлар билан пианино клавишларини босгандек уриб-уриб қўйишнинг фойдаси катта бўлади.

■ Кўпгина гўзаллик салонларида пардоз-андозни қойиллатиб қилишади. Улар бир неча соат ичида **юзингизни таниб бўлмайдиган даражада ёшартириб** юбора олишади. Аммо буларнинг бари вақтинчадир.

■ Бўйиннинг доимий ёшлигини, мафтункорлигини узоқ сақлаш учун ҳафтада 20 дақиқагина вақт ажратсангиз кифоя.

## ИССИҚ - СОВУҚ КОМПРЕССНИНГ ФОЙДАСИ

Иссиқ ва совуқ сув билан қилинган компрессларнинг қанчалик фойдали эканлигини биласизми?

Агар сизда бўқоқ касаллиги билан боғлиқ муаммонгиз бўлмаса бир ҳафтада уч-тўрт марта қуйидаги муолажани одатга айлантириб олинг.

Юмшоқ сочиқни иссиқ сувга, маврак, ялпиз, мойчечак дамламасига ботириб **2-4 дақиқа бўйин терисига қўйинг.** 3-5 дақиқадан кейин совуқ муолажани сувга ботирилган сочиқ билан алмаштиринг.

Ушбу муолажани бир неча марта қайтаринг-да, охирида албатта совуқ компресс билан ниҳояланг.

### Қўш бақбақага қарши...

Бақбақа ёғ йиғилганда, семирганда ва ёшнинг ўтишига қараб аёлларнинг бўйнида ёғ йиғила бошлайди. Айтиш мумкинки, нафақат, семиз аёллар, балки, озғинларда ҳам бақбақа пайдо бўлиш хавфи кўпроқ бўлиб, бу томоқ ва бўйиннинг тузилиши билан боғлиқдир.

Ёш ўтган сайин бошқа ўзгаришлар ҳам кўзга ташлана бошлайди. 35-40 ёшга боргандан сўнг аёлларнинг териси таранглигини йўқота бошлайди. Шунинг учун тўладан келган аёллар терисининг аввалги чайирлиги йўқолиб, иккинчи бақбақа пайдо бўлади.

Бўйиннинг қариш жараёнини секинлаштирувчи муолажалар ҳам бўлиб, уларни амалга оширгач, **натижаси 1-2 ойдан** сўнг маълум бўлади.

Сочиқни тўрт буклаб совуқ сув билан ҳўлланг-да, сал сиқиб ташланг. Кейин ўнг қўлингиз билан унинг учидан ушлаб бақбақа пайдо бўлиши мумкин бўлган, томоқнинг остига ва юзингизнинг пастки қисмига уринг. 10-15 марта сочиқни силкитиб ургач, ўнг сочиқни чап қўлингизга олиб ўнг томонга урилади.

**Яна бир маслаҳат:** ўқиётган китобингиз кўзингиздан 30 см. узоқликда бўлсин. **Юрганингизда бошингизни баланд кўтариб, тўғрига қараб** олинг.

**Ярим соатлик компресслар:** компресс учун пахта, сув ўтмас қоғоз, чўзилувчан бинт, юз учун ишлатиладиган бирорта озиқлантирувчи крем керак.

Юз ва бўйнингизни косметик сут («молочко») билан артинг. Кейин енгилгина крем суриб қўйинг. Сўнг пахтани лосьонга ботириб олиб, бақбақангизни устига чўзилувчан бинт билан бошингиздан ошириб боғлайсиз.

Ярим соатдан кейин компрессни ечиб, бўйнингизни совуқ сув билан чаясиз. **Ушбу муолажани ҳафтада 1-2 марта такрорланг.**

Ҳар куни шўр сувга ботириб олинган қаттиқ пахмоқ сочиқни энгагингиз остига уриб машқ қилинг. Бунинг учун сочиқни икки томонидан шундай ушлангки, ўртаси осилиб турсин. Сочиқни қаттиқ-қаттиқ тортганингизда ўртада осилиб турган қисми энгагингиз остидаги қўш бақбақа ҳосил бўлиши мумкин бўлган жойга бир маромда урилиши керак. Бу эса энгак остини ўзига хос тарзда уқалаб (массаж) қилиб, қўш бақбақа пайдо бўлишининг олдини олади.

### Бўйин учун машқ

Бир идишга иссиқ, иккинчисига эса совуқ сув қуйиб, иккита сочиқни тайёрлаб қўйинг. Совуқ сочиқни сиқиб энгагингиз остига, яъни бўйинга шундай қўйингки, у бўйнингизга ёпишиб турсин. Уни олишингиз билан қайноқ сочиқни ҳам худди шундай қилиб ёпиштиринг. Уларни тез-тез иссиқ ва совуқ ҳолати кетмасдан алмаштириб туринг. Улар 10 дақиқа туриши керак. 35 ёшдан ошган аёллар бу муолажани ҳафтада бир марта, ёши бундан ҳам каттталар эса **бир ҳафтада 2 марта такрорлашлари** лозим.

**Б. САЙДАЛИЕВА тайёрлади**

# Тест: ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ БИЛАН ЧИНДАН ҲАМ БАХТЛИМИСИЗ?



**Ёрингиз сизнинг роҳат-фароғатингиз йўлида жону жаҳонини беришга тайёрми ва ё, аксинча, сиз унинг учун ҳамма нарсага розимисиз?**

**1 Муносабатларингиз аввалини эсларкансиз**

**A.** ...қайғуга чўмасиз.

**B.** ... бугунга келиб иккалангиз ҳам бир-бирингизга мос ва муносиб эканлигингизни ўйлайсиз.

**C.** ... муҳаббатингиз вақт ўтган сайин мустаҳкам тортганини кўнгилдан кечирасиз.

**2 Севикли ёрингиз кўпчилик олдида сизни қўлтиқлаб оладими?**

**A.** Йўқ, у бунақа ишларни ёқтирмайди.

**B.** Ҳа, у шундай қилади.

**C.** Вазиятга қараб иш тутади.

**3 Умр йўлдошингиз сизнинг хатоларингизни қандай қабул қилади?**

**A.** Айтарли аҳамият бермайди.

**B.** Ҳар гал танбеҳ беради.

**C.** Қандай бўлсам шундайлигимча қабул қилади.

**4 Вақти-вақти билан уйда кўнгилочар маросимлар ўтказиб турасизми?**

**A.** Ҳа, биз биргаликда бундай маросимларни тез-тез ўтказамиз.

**B.** Мен ўзим бу ишга бош-қош бўлсамгина юз бериши мумкин.

**C.** Умуман олганда йўқ.

**5 Ўз ташвиш-муаммоларингиз ҳақида ким билан фикрлашасиз?**

**A.** Ҳеч ким билан фикрлашмайман.

**B.** Дугонам билан.

**C.** Албатта турмуш ўртоғим билан.

**6 Ҳаётингизда жинсий муносабат қандай аҳамиятга эга?**

**A.** Катта аҳамиятга.

**B.** Афсуски, бу борада ҳар биримиз ўз қарашимизга эгамиз.

**C.** Жинсий муносабат бизда иккинчи даражали иш.

**Жадвал ёрдамида балларингизни аниқланг.**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| A | 1 | 3 | 2 | 1 | 3 | 2 |
| B | 3 | 1 | 3 | 3 | 2 | 1 |
| C | 2 | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 |

### Натижалар

**6-9 балл**

Сира ташвишланманг. Умр йўлдошингиз учун сиз қадрли одамсиз. У сизни чин дилдан севади ва бу туйғусини ҳамиша амалда исботлайди. Бу чуқур туйғу ҳаётингизда юз берадиган икир-чикирларни енгишингизда қўл келади.

**10-14 балл**

Турмуш ўртоғингиздан кўнглингиз тўқ. У сиз учун мисоли қўрғон. Лекин тез-тез у мени чиндан ҳам севадими-йўқми дея ўйга толиб қоласиз. Балки у ўз туйғуларини дам ба-дам ошкор этавермайдиганлар тоифасидандир.

**15-18 балл**

Баъзида ўзингизни ёлғиздек ҳис этиб, турмуш ўртоғингиз чиндан ҳам сизга муносибми ё йўқми эканлиги ҳақида ўйлаб қоласиз. Бу ҳис-туйғуларингизни унга айтиб кўрингчи, балки шундан сўнг у ўзгарар, сиз ҳақингизда қайғурадиган, ғамхўрлик кўрсатадиган бўлар.

**Дилбар тайёрлади**

**Улар қариндош-уруғ, куда-андаларга сездирмай пинҳона яшай бошлашибди.**



ТУШ таъбирномаси

# ОИЛА РУҲИ БЕЗОВТА БЎЛСА...

Ёзнинг ўрталарида республикамизнинг тоғли сиҳатгоҳларидан бирига дам олгани бордим. Сиҳатгоҳга келиб жойлашган кунимдан бошлаб, муолажаларни ҳам олишга киришдим.

Уқалаш хонаси олдида одам жуда гавжум бўлиб, навбатда турганларнинг кети кўринмасди. Аҳён-аҳёнда эшиги очилади, беморлар чиқади-ю, лекин ҳамшира қизнинг ўзи кўринмайди. Ниҳоят, мовий кўзлари бир оз ғамгин ва ўйчанроқ, тим қора сочларини орқасига ихлос билан турмаклаган, юзлари бир оз чўзинчоқроқ 30-35 ёшлар чамасидаги аёл кўринди. У навбатда турганларга мулойим жилмайиб, тушлик вақти бўлганлигини эълон қилиб кириб кетди. Бугун ҳали менга навбат келмаслигига кўзим етиб, тушликка чиқиб кетдим. Кун бўйи иссиқ сув, тоза ва бошқа муолажалар билан кунни кеч қилдим. Оқшом чўкди. Сиҳатгоҳ режимига амал қилиб, уйқуга ётдим. Тонгга яқин бир туш кўрибман. Тушимда анвойи гулларга бурканган гўзал бир боғ эмиш. Боғда оппоқ ҳарир либосларга бурканган гўзал бир аёл 4-5 ёшлар чамасидаги ўғил болани етаклаб юрибди. Боланинг бошида дўппи, тилларанг кокиллари дўппи гардишидан шундоқ кўриниб турибди. Худди тўй боладек ясанган. Улар қўл ушлашиб олишган, уларнинг ортидан бир нур эргашади. Нур уларнинг гоҳ гавдаларига, гоҳ юзларига соя ташлаб янада кўркамлаштиради. Негадир аёлнинг юзларини ҳеч кўриб бўлмайди. Ниҳоят, аёл юзларини аниқ кўрдим. Аёл кечаги уқалаш хонасидаги ҳамшира - жувонга жуда ҳам ўхшайди, лекин унинг сочлари турмакланмаган бўлиб, елкаси узра ёйилган эди. Аёл болани етаклаб нурлар оғушида боғ ичига кириб ғойиб бўлди. уйғониб кетдим. Аёл ҳам, бола ҳам руҳлар эканини аниқ сездим. Лекин улар ким? Тушим таъбирини еча олмай, нонуштадан сўнг, вақтлироқ навбат олиш умидида уқалаш хонаси олдига келиб ўтирдим. 3-4 дам олувчидан сўнг менга ҳам навбат келди.

Ҳамшира жувон мени самимий қарши олди. У мени махсус жойга ётишга таклиф этиб, муолажани бошлади. Ҳамшира жувоннинг исми Фарида бўлиб, ўзи 34 ёшда экан. 2 марта рўзғор қилибди, лекин фарзанд кўрмабди. Иккинчи рўзғори билан ҳам бефарзандлик туфайли ажрашиб, ўзи танҳо яшашга қарор қилган экан. Тақдирни қарангки, Фариданинг қўшни қишлоққа узатилган синглиси Замира биринчи фарзандини дунёга келтирибди-ю, ўзи бу ёруғ оламдан кўз юмибди. Замиранинг маъракалари ўтгач, икки томон - куда-андалар, қариндош-уруғлар, ота бўлмиш Санжар чақалоқ тақдирини ҳал этишга тўпланишибди. Қариндош-уруғлар, маҳалла катталарининг маслаҳати билан Фарида чақалоққа оналик қилишни ўз зиммасига олибди. Болага синглиси хотираси ҳурмати Ёдгорбек деб исм қўйибди. Икки оила ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари Ёдгорбек туфайли боғланибди. Куёв Санжар тез-тез фарзандидан хабар олар, қўлига нима илинса, Ёдгорбекка олиб келаркан. Бу муносабатни оталик муҳаббати сифатида қабул қилган Фарида аввалига Санжарни самимий кутиб ола бошлабди. Йил ўтмай, Ёдгорбек атак-чечак юриб, "дада" деб тили чиқибди. Унга баттароқ боғланиб қолган Санжар Фариданинг мўъжазгина уйини тез-тез қўмсайдиган, баъзан ширакайф келиб ётиб қоладиган одат чиқарибди. Ёдгорни олиб қўйишидан қўрқибми ёки фарзандини ота меҳридан бенасиб этгиси келмаганиданми, Фарида ҳам Санжарга ипсиз боғланиб қолибди.

Улар қариндош-уруғ, куда-андаларга сездирмай пинҳона яшай бошлашибди. Санжар ва Фариданинг бахтиёр дамларининг сабабчиси Ёдгорбек 4 ёшга қадам қўйибди. Раҳматли Замира ҳомиладорлик пайтидаёқ онаси томонидан тузаб қўйилган бешик Фариданикига туширилган экан. Хоналар жиҳозлар билан тўла бўлгани учун ўз хизматини ўтаб бўлган бешик ортиқчалик қила бошлабди. Фарида Санжардан бешикни ҳовлига олиб бориб қўйишни илтимос қилибди. Санжар транспорт топиб олиб кетишга ваъда берибди. Ўша оқшом Фарида ғалати туш кўрибди. Тушида раҳматли синглиси Замира келиб: "Опа, бешигимни беринг, у ёқда болам бор, бешик ўзимга керак", - деб бешикни олиб кетибди. Фарида бешикни ҳарчанд бермайман деб ҳаракат қилибди. Лекин Замира бешикни юлқиб олганича, қоп-қоронғу бир боғ ичига кириб ғойиб бўлган эмиш.



Бу туш туфайли қалби пора бўлган Фарида эртаси куни ишда ҳам ноҳуш кайфиятда юрибди. Чунки марҳума Замира кейинги пайтлар тез-тез тушига кирар, негадир унга сира қарамас, Ёдгорбекнинг кроватчаси ёнида куймаланиб юргани-юрган эди. Фарида ишдан уйга келиб, кийим-бошларини алмаштирибди-ю, Ёдгорбекни олгани боғчага шошилибди. Ёдгорбек ҳар куни боғчадан чиқиб, уй олдидаги болалар майдончасида ўйнар, уни уйга олиб кириш мушкул эди. Фарида болани майдончада қолдириб, овқатга уннагани уйга кириб кетибди. Хиёл вақт ўтмай қўшни болалари Ёдгорбек уйга кираман деб йиғлаётганини айтишиб эшик олдига қўйиб кетишибди. Фарида болани пешонасини ушлаб кўрса иссиқ, ҳарорати бор. Уйга олиб кириб дарҳол дори ичкизиб ётқизибди. Кечга бориб Ёдгорбек қайт қилиб, ҳарорати баландлаб кетибди. Қўрқиб кетган Фарида дарҳол "тез ёрдам"га қўнғироқ қилибди. Шифокор келиб: "Болани олиб кетмасак бўлмайди. Касали жиддийроқ кўринади", - деб касалхонага олиб кетибди.

Туни билан мижжа қоқмай бемор олдида ўтириб чиққан Фарида Оллоҳдан ялиниб-ёлвориб Ёдгорбекка умр сўрабди. Кўп ўтмай Санжар ҳам етиб келибди. Санжар келганида бола беҳуш ётар, юзларида ҳаёт асари қолмаган эди. Шифокорларнинг аниқлашича, бола олдин бир-икки йиқилган, орқа миясидаги томирлардан бири лат еб, қон айланиши издан чиққан экан. Тушга бориб бола узилибди. Ёдгорбек Фариданинг ҳам Санжарнинг ҳам қувончлари, шодликларини ўзи билан олиб, марҳума онаси Замира олиб кетган бешикда мангуга ухлаш учун дорилбақога равона бўлибди.

Фариданинг бу ғамгин ҳикоясини эшитиб, бир кун аввал тушимда кўрган тилларанг кокилли тўй бола Ёдгор эканига, аёл эса Замира эканига шубҳам қолмади. Лекин бу тушни фарзанд доғида куйиб, бағри забун бўлган Фаридага айта олмадим. Муолажа тугаб Фариданинг шинамгина хонасини тарк этаётганимда кўзим аптечка сумкасига суяб қўйилган бола суратига тушди. Бу - Ёдгорнинг сурати эди. Бола - мен тушимда кўрган болакайга ўхшамаса-да, энг муҳими - унинг кокили бор эди. Фаридадан рухсат олиб, суратни қўлимга олдим. Фарида мен сўрамасам ҳам йиғлай-йиғлай Ёдгорбекнинг кокили Шоҳимардонга назр этилгани, 5 ёшга тўлганида зиёратга олиб борамиз деб ният қилишгани ҳақида гапириб берди.

Мен Фаридага Оллоҳдан сабр-бардош тилаб хонадан чиқдим. Негадир Санжар ҳақида сўрагим ҳам келмади. Руҳлар гарчи тириклар дунёсидан йироқ бўлсалар ҳам, қаҳр этсалар тошни ёришларига, қўлласалар умримизга - умр, ризқимизга - ризқ қўшилишига яна бир карра имон келтириб, ўз хонам томонга бурилдим.

**Раънохон УСМОНОВА**
**Фарғона вилояти**
**Бешариқ тумани**

# МУЛЛА МАНСУР

Мулла бова қўшнимиз эди. Ўрта бўйли, соч-соқоллари оппоқ, симоби саллада худди эртаклардаги Хизр бобо сингари ғоятда сирли ва улуғвор кўринарди. Кўпинча айвон четидаги деразалари офтобга қараган уйчасида китоб ўқиб ўтирарди. Эслаяпману, шууримга болалик хотираларим ёпирилади:

Мен отамдан намоз ўрганардим. Отам мулла бованинг шогирди эди. Узоқ-узоқ жойлардан чоллар келишарди: "Бизлар тоғ Паймартдан (аслида Пойимард) келдик". "Биз чўл Паймартданмиз". Одамларнинг муллага ихлос-эътиқоди жуда баланд эди: "Мулла Мансур дуо билан "Сангзор"ни чаппа оқиздиролади!"

Бова бировдан бир сўм таъма қилмас, даво истаб эшигидан кирган одамнинг дилидан нималар ўтаётганини ҳали гапирмасиданоқ тушунаркан. Кўпинча келиб-кетгувчилар улов келгунча бизникига кириб туришарди: "Боламнинг томоғи шишиб кетганди, уйдаги охирги пулларимизни олиб келганийдим. Қайтишга автобусга берарга пулим йўқ эди. Ҳай бир амалларман-да", - деб бор пулимни мулла бованинг олдига қўйдим.

- Даркор эмас, қизим, даркор эмас. Йўлда уловга берасиз. Майли, мен розиман. Шифосини берсин, - деб олмадилар"...

"Унда "дом"да турардик. Кундан-кунга боламнинг дармони қуриб кетаверди. Синган оёғига мўмиё малҳам қўйдириш учун табиб бовага келгандим. Бобо менга бир қарадию: "Сиз болангизни қолдиринг-да, тез уйингизга боринг, қизим!" - деди. Йўлда кетаяпману нуқул болаларимга бир нима бўлган, ё уйимга тепа қаватдан сув ўтиб кетдимикан, дейман. Етиб келгач, эшикни тақиллатдим. Жимжитлик. Яна тақиллатдим, кейин қўрққанимдан муштлай бошладим. Уйимиз биринчи қаватда эди, деразадан биров сакраб балконга чиқди. Қарасам кўчамизнинг бошида яшайдиган ашаддий суюқоёқ, ўғри аёл. Эндигина кирган экан, ҳайриятки, ҳеч нарса ўмаришга улгурмабди. Мансур табиб буни қандай сезган экан-а?"...

Бир куни қизиқ бўлган. Бова чоллар билан ўтиб бораётганида уришқоқ қўшни аёл чанг наматини қоқаверган.

- Болам, андак сабр қил, бизлар ўтиб кетайлик, - дейишган чоллар.

Аёл парво қилмай қоқаверибди.

- Қизим, бу ер йўл усти. Четроққа ўтиб қоқ.

Аёл шаллақироқ эди:

- Сизнинг ишингиз бўлмасин! Нима, энди кўчагаям хўжайинмисиз?!

Шу пайт аёлнинг эри келиб қолди. Уям хотинига "муносиб" ёр экан, ўйлаб ўтирмай ўшқирди:

- Мулласану, уйингда хўкиз шохига илар нарса йўқ. Менинг машинам, гиламларим бор! Нимангга катта кетасан?!

Шундан сўнг шовқинни эшитиб, аёлнинг 10 ёшлардаги ўғли келди-да, кўприк устига чиқиб:

- Э, сендақангги мулланинг, - деб сўкина кетди.

Мулла бова индамади. Ўшанда пода қайтар маҳал эди. Орадан бир соат ҳам вақт ўтмаган, ҳали жанжалнинг муҳокамаси ҳам тугамаган эди. Болакай пода қайтарадиган таёғини олиб келиб, айни ўша кўприкча устига етганда бирдан оёқ-қўли ишламай, шол бўлиб қолди. Ҳануз кўз ўнгимда: болакайнинг тили айланмай ғўлдирар, кўз қорачиқлари тепага қараб қотиб турар, юзи ҳам алланечук қорайиб кетган эди. Атрофдагилардан кимдир ота-онасига қараб: "Бориб, мулла бовадан кечирим сўранглар", - деди. Эр-хотин жон ҳолатда ҳали уйга киришга улгурмаган мулла ортидан югуришди:

- Тавба қилдик, бова кечиринг. Биздан ўтди, ёшлик қилибмиз!..




- Майли, болам, боринглар ёнимдаги чоллардан ҳам узр сўранглар, ўшаларнинг дили кўпроқ оғриди. Кейин бунчалик беандиша бўлманглар. Бу дунёда ҳар нарсанинг боши бор, охири бор.

Болакай кўзини очди. Кўтариб уйига олиб кетишди. Дарров ўша жойга бир қўйни сўйиб, худойи қилишганди. Маъракада боланинг ота-онаси эл-юрт олдида яна бир карра тавба қилибди.

**Саъдина БОБОМУРОДОВА,**
**Жиззах шаҳри**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Оила ва жамият

**Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.**

**Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20**
**Табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 840. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16314
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Л. АҲМЕДОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 3 4 5 6